



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**ТЕХНОЛОГИК МАШИНАЛАР ВА ЖИҲОЗЛАР
кафедраси**

**5140900 - КТТМЖ таълим йўналишидаги битирув малакавий
ишининг мавзуси:**

**“Катта босим ва вакуум хосил қиласиган жиҳозлар” мавзусини
янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш методикаси**

Битирувчи 14-КТТМЖ-10

гурух талабаси

**Абдурахманова Мухайё Абдурасул
қизи**

**Битирув малакавий
иши раҳбари:**

Қодиров Бозорбой

Наманган-2014

Мундарижа

Кириш

I. Ўқув материалини билдиришнинг метод ва методик усуллари

- 1.1. Ўқув материалини билдиришнинг метод ва методик усулларини танлаш.
- 1.2. Ўқувчиларни янги билимларни идрок этишга тайёрлаш.
- 1.3. Ўқитувчининг ўқув материалини оғзаки баён этиш методикаси.
- 1.4. Ўқитувчи нутқининг техникаси.

II. Таълимда ўзлаштириш ва фаоллаштиришни амалга ошириш технологияси

- 2.1. Билимларни ўзлаштириш даражалари (репродуктив ва продуктив)
- 2.2. Продуктив ўзлаштиришнинг даражаси
- 2.3. Ўкув жараёнининг кисмлари ва уларни бошкариш
- 2.4. Намунавий дарснинг асосий компонентлари
- 2.5. Талабага йўналтирилган таълим
- 2.6. Замонавий дарснинг асосий компонентлари
- 2.7. Таълимнинг фаол услублари самараси натижалари

III. “Катта босим ва вакуум хосил қиласиган жиҳозлар” мавзусини кейс–стади методи асосида ўқитиш усулини ишлаб чиқиш

- 3.1. Асосий тушунчалар
- 3.2. Ўқитишнинг кейс технологияси
- 3.3. “Катта босим ва вакуум хосил қиласиган жиҳозлар” мавзусининг мазмуни

IV. “Катта босим ва вакуум хосил қиласиган жиҳозлар” мавзусини ўқитишда муҳитни меҳнат муҳофазаси масалалари

- 4.1. Меҳнат хавфсизлигининг таъминлаш бўйича кўрсатмалардаги умумий талаблар
- 4.2. Ўқув устахоналаридаги меҳнат муҳофазаси

V. “Катта босим ва вакуум хосил қиласиган жиҳозлар” мавзусини ўқитишда атроф–муҳитни муҳофаза қилиш масалалари

- 5.1. Умумий масалалар
- 5.2. Автотранспорт технологияларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

VI. Таълим иқтисоди масалалари

- 6.1. Таълимда бошқарувнинг мазмуни ва аҳамияти
- 6.2. Давлат иқтисодиётининг ривожланишида таълимнинг ўрни ва аҳамияти
Хулоса
Фойдаланилган адабиётлар

Аннотация

Ўқув материалини билдиришнинг метод ва методик усуллари бобида ўқув материалини билдиришнинг метод ва методик усулларини танлаш, ўқувчиларни янги билимларни идрок этишга тайёрлаш. ўқитувчининг ўқув материалини оғзаки баён этиш методикаси, ўқитувчи нутқининг техникаси масаалари келтирилган. Таълимда ўзлаштириш ва фаоллаштиришни амалга ошириш технологияси бобида билимларни ўзлаштириш даражалари (репродуктив ва продуктив), продуктив ўзлаштиришнинг даражаси, ўқув жараёнининг қисмлари ва уларни бошқариш, намунавий дарс унсурлари, талабага йўналтирилган таълим, замонавий дарснинг асосий компонентлари, таълимнинг фаол услублари самараси натижалари ўрганилган. “Катта босим ва вакуум ҳосил қиласиган жиҳозлар” мавзусини кейс–стади методи асосида ўқитиш усулини ишлаб чиқиш бобида асосий тушунчалар, ўқитишнинг кейс технологияси, “Катта босим ва вакуум ҳосил қиласиган жиҳозлар” мавзусининг мазмуни келтирилган.

Кириш

Инсоннинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини руёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ атворнинг андозаларини ызгартериш республикамизда амалга оширилаётган исхотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой ителектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва психологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон республикаси тарақиётининг муҳим шартидир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси қонунинг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидағи жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб – ҳунар маданиятига, ижодий в ижтимоий фаолликка, ижтимоий – сиёсий ҳаётга мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истикбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Менга битирув малака иши сифатида “Технологик жараёнларни бошқариш тизимлари” фанидан “Махсулотларни куритиш жараёнларини автоматлаштириш” мавзуси бириткирилган эди. Бу мавзуни долзарблиги шундан иборатки, ҳозирги кунда коллеж уқувчилари учун мутахассислик фанлари бўйича етарли даражада адабиётлар йўқ бори ҳам собиқ иттифоқ даврида 1990 йилгача нашр этилган рус тилидаги манбалардан таржима қилинган адабиётлардир. Бу адабиётларда собиқ иттифоқ даврида ишлаб чиқарилган машиналар ва агрегатлар, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш технологиялари баён этилган. Узбекистонда ишлаб чиқилган ва чет эллардан кириб келаётган янги, замонавий машиналар ва агрегатларининг тузилиши, айниқса, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари бўйича адабиётлар деярли йўқ ёки бори билан ҳам касб – ҳунар коллажлари таъминланмаган.

Ҳозирги касб – ҳунар коллажларида тайёрланаётган мутахассисларга қўйидаги талаблар қўйилган:

– янги техника (Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ҳамда чет элдан келтириб эксплуатация қилинаётган технологик машина ва жиҳозлар) ва технологияларни (замонавий технологик машина ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни янги усусларини) билишлари лозим;

Педагогик фаолиятнинг муҳим шарти унинг фан бўйича дарсга тайёрланишдир. Ўқитувчининг бу сифатига илмий – техника тарақиётининг замонавий босқичида юқори талаблар қўйилмоқда. Бунга ўкув фанларининг мазмунининг доимо ўзгариб туриши, янги техникавий фанларнинг пайдо блиши сабаб бўлмоқда.

Касбларнинг турли туманлиги, ўкув режаларида касбий фанларга ажратилган соатларнинг чегаралангандиги, ҳамда мазмуннинг тўхтовсиз ва сезиларли ўзгариб туриши кенг профилга эга бўлган муҳандис муаллим тайёрлаш зарурлигинг белгилайди.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлик жараёни икки босқичдан иборат перспектив ва жорий тайёргарлик. Перспектив тайёргарлик, одатда кескин чегаралангандиги шаклга эга эмас ва йил давомида ўтказилади. Унинг асосида ўкув фани бўйича ўқитувчининг дарслар тизимини ишлаб чиқиши ётади. Бу босқичда у касб тавсифномасини, ўкув режасини, ўкув дастурини, дарслик ва қўлланмаларини ўрганиб чиқади ва ўкув – моддий асосни яратишга, таълим воситаларини танлашга алоҳида эътибор беради. Киритилган барча элементларнинг (машғулот мазмуни, ташкилий шакллар, таълим методлари ва воситалари) мақфул таркиби асосида ишлаб чиқилган мавзулар режаси перспектив тайёргарликнинг якуни ҳисобланади.

Ўқитувчининг машгулотларга жорий тайёргарлиги босқичига мавзу ва дарслар бўйича тайёргарликни ўз ичига олади. Мавзу бўйича тайёргарлик қандайдир ишланмалар ва машғулотларни режалаштириш билан боғлиқ эмас. Бу босқичда ўқитувчи мавзунинг мавзулар режасидаги ўрни, унинг тузилиши ва мазмuni белгилайдиган ўкув – дастур ҳужжатлари билан танишади, мавзулар режасида режалаштирилган машгулотлар тизимини ўрганади, адабиёт танлайди ва бошқа фаолият турларини белгилаб олади. Кўрсатилган даврлардаги бажарилган ишлар ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўришида унинг элементларини мавзу бўйича бир

бутун тизим сифатида шакллатиришга, ўқув – тарбиявий мақсад ва вазифаларни амалга оширишга имконият яратади.

I. Ўқув материалини билдиришнинг метод ва методик шакллари

1.1. Ўқув материалини билдиришнинг метод ва методик усулларини танлаш.

Ўқувчиларга ўқув материалини билдириш ўқитувчи фаолиятининг асосий элементларидан биридир. Ўқув жараёнининг бу қисмига ўқувчилар фаолиятининг қуйидаги элементлари: билимларни идрок этиш, тушуниб олиш ва умумлаштириш тўғри келади. Бунда билимларни тушуниб олиш ва умумлаштириш ўқув жараёнининг навбатдаги қисмларида ҳам давом этишини назарда тутиш лозим.

Аммо ўқувчиларга ўқув материалини билдиришни уни тушуниб олиш ва умумлаштириш билан боғлаш ўқитувчи ўззига тўғри йўл танлаши учун зарурдир.

Агар ўқитувчи ўқув материалини билдиришда асосий вазифа баён этилган маълумотларни ўқувчиларнинг идрок этишидан иборат деб билса, бу ҳол ўқитувчини ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини активлаштиришга ёрдам берувчи шакл, метод ва методик усулларни татбиқ этишга рағбатлантируйди, ва аксинча, мақсадни билимларни тушуниб олиш ва умумлаштиришга қаратиш ўқитувчини ўқув материалини баён этишнинг энг самарали методларини, ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш даражасини текширишнинг тегишли мезонларини излаш ва татбиқ этишга ундейди. Таълим бериш методларини бундай танлаш ўқитишида формализм намоён бўлишини анча камайтиради. Янги ўқув материалини билдириш ўқитувчи ишидаги асосий масаладир.

Янги материални билдиришда, асосан, оғзаки методлардан: оғзаки баён этишдан (сўзлаб бериш, тушунтириш, маъруза, сухбатдан), ўқувчиларнинг китоб била ишлашидан ва кўрсатма қўлланмалар, диафильмлар, кинофильмлар, тажрибалар кўрсатишдан фойдаланилади. Аммо янги материални билдириш ва бунинг натижасида ўқувчилар олинган билимларни идрок этиши, тушуниб олиши, дастлабки зарур умумлаштиришлар қилиши қераклиги анъанавий методларни бошқа методлар билан кўшиб олиб боришни талаб этади. Ўқувчиларнинг янги билимлар олишини доимий, ўқув жараёнининг барча қисмлари учун хос жараён деб қарамоқ қерак.

Ўқитувчи ўқув материалини баён этганда, тажриба-амалий ишларни бажариш вақтида, машқлар жараёнида, мустақил кузатишлар вақтида ижодий қўринишдаги ишларни бажариш натижасида ўқувчилар янги билимлар оладилар. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчилар фаолиятининг ҳамма турларини билимлар олиш ва уларни кенгайтириш манбаига айлантиришдан иборат.

Ўқув материалини билдириш методини танлаш ўрганилаётган материалнинг мазмуни, характеристи ва мураккаблигига, машғулотларнинг дидактик мақсадига, ўқитиши воситалари бор-йўқлигига, ўқувчиларнинг дастлабки билимлари ва шу кабиларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Касб хунар коллажларидағи ўқув жараёнининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ўқувчиларнинг назарий машғулотлари билан бир қаторда катта ҳажмда ишлаб чиқариш таълими ҳам ўтказилади. Бу ҳол ўқитувчидан ўқувчиларга ўқув материалини амалий режада билдиришни талаб қиласиди, бу эса ўқувчиларнинг материални идрок этишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқув материалини билдириш методларини танлашда ўқитувчи ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш тажрибаларини, уларнинг ўқитилиш даврини, ўрганилаётган материалнинг амалиёт билан боғлиқлигини ҳам эътиборга олиши зарур.

Ўқув материалини билдириш методларини танлаш бир қатор субъектив факторларга, жумладан, бутун ўқув гуруҳининг хусусиятларига, айrim ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ.

Нихоят, ўқув материалини билдириш методларини ва методик усулларини танлашга ўқитувчининг педагогик тажрибаси, индивидуал сифатлари, иш услуби, яъни ўқитувчининг педагогик маҳорати анчагина таъсир этади.

1.2. Ўқувчиларни янги билимларни идрок этишга тайёрлаш.

Дидактика асосчиси Я.А. Коменский бундай ёзган эди: «Ўқувчилар бирор фанни ўрганишга киришар эканлар, уларнинг ақли ана шунга тайёр бўлиши керак». Ўқувчиларни янги билимларни идрок этишга тайёрлашнинг моҳияти ана шунда. Умуман ва конкрет дарсда ўрганилиши лозим бўлган нарсаларни актив идрок этишга ўқувчиларда муайян ҳоҳиш, «старт» ҳолат уйғотиш зарур.

Ўқувчиларни янги билимларни идрок этишга тайёрлаш усуллари кўп, бу усуллардан қай бирини қўллаш лозимлиги ўрганиладиган материалнинг мазмунига, унинг қанчалик муҳимлигига, ўқувчиларнинг қанчалик тайёрланганлиги ва ўқитувчининг тажрибасига боғлик.

Ўқувчиларни ўрганиладиган материал билан таништиришнинг энг кўп тарқалган усулларидан бири ўқувчилар билиб олган материаллар билан билиши керак бўлган материаллар орасига «кўприк солиши» мақсадида, илгари ўрганилган материалнинг асосий жойларини тақрорлашдан иборат. Агар бундай боғланишлар аниқ, бўлиб, ўқувчиларнинг англаши осон бўлса, янги материални ўқитувчининг ўзи қисқача эсга тушириши мумкин. Агар ўрганилган материал билан янги материал орасидаги боғланишни чуқурроқ, кўриб чиқиш лозим бўлса, ўқитувчи ўқувчилар билан сухбат ўтказади. Иккала ҳолда ҳам асосий эътиборни тақрорланадиган материалнинг фактларга асосланган томонигагина эмас, балки ўрганилиши керак блган материал билан боғланиш ўрнатишга қаратиш лозим. Бунда айни фандан ўрганилган материал билан боғланишларни очишгина эмас, балки ўқувчиларнинг бошқа фанлардан олган билимларига таяниш ҳам муҳимдир. Коллежларда техника фанлари билан умумтаълим фанларининг ўрганиладиган материалларини бир-бирига боғлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқувчиларни янги ўқув материалини идрок этишга тайёрлашнинг муҳим элементи уларга дарс мавзусини ва дарсдан кўзда тутилган мақсадни билдиришдан иборат. Дарс мавзуси ўрганилаёттан ўқув материалининг моҳиятини, дарснинг мақсади эса ўқувчилар нимани ва қай дараҷада ўзлаштириши лозимлигини белгилайди. Мақсаднинг қўйилиши ўувучиларни ўқитувчи баён этадиган материални ўйлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришга, илгари олинган билимлар асосида янги билимларни мустақил излашга рағбатлантироғи лозим. Ҳар бир дарс учун мақсад танлаш ўқув материалининг конкрет мазмунига боғлик.

Дарс мавзуси ва дарсдан кўзланган мақсад конкрет, ўқувчилар учун тушунарли, уларда янги нарсани билишга ҳоҳиш уйғотадиган бўлиши жуда муҳимдир. Бу ҳолда ўқувчилар кўйилган вазифанинг муҳимлигини тушунадилар, унга қизиқадилар. Дарсдан кўзланган мақсадни ўқувчилар зарурат деб идрок этадилар, улар иродасининг ички стимули бўлиб қолади. Фикрлаш, хотира, тасаввур - буларнинг ҳаммаси мақсадга эришиш учун ишга солинади.

Тажрибали ўқитувчилар, одатда, дарс мавзусини ва дарсдан кўзланган мақсадни айтпбигина қолмасдан, балки сухбат ўтказаш ўйли билан ўқувчиларни уларга “яқинлаштиради”. Буни “Материалшунослик” фанининг “Кимёвий-термик ишлаш” мавзусига оид дарс мисолида кўрсатамиз.

Пўлатни тоблаш ўрганилган. Кам углеродли пўлатнинг тобланмаслигн ўувучиларга маълум, бинобаран, улардан тайёрланган буюмлар жуда қаттиқ бўлмайди. Ўқитувчи ўқувчилар олдига “Аммо бундай бюмларни қаттиқ қилиш имконияти ҳар ҳолда бўлса керак?” деган савонни ташлайди ва уларнинг ўйлаб кўриши учун бир-икки минут беради. Наҳоятда хилма-хил тақлифлар тушади. Излашлар оралиғини камайтнриш ва қаттиқлик юза катламнинг хоссаси эканлигини ўқувчилар эсига тушириш лозим. Шундан кейин, одатда, “Юза катламга углерод қўшиш зарур, шунда юза катламни тобласа бўлади”, деган тақлиф тушади. Ўқитувчи бу тақлифга қўшилади ва ўқувчилардан: “Углеродни қандай қилиб қўшса бўлади?”, деб сўрайди. Агар тўғри жавоблар бўлмаса, факат бир сўзни “диффузия” сўзини айтиш кифоя, шунда жавоб топилган бўлади: “Деталнинг сиртқи қатлами углеродга тўйиниши учун уни углеродга бой муҳит ичига жойлаштириш керак”. Ўқитувчи ўқувчилар эътиборини бундай технологик жараён комплекс жараён бўлишига буюм матеркалиннинг кимёвий таркиби унинг углеродга тўйиниши натижасида ўзгаришига (кимёвий жараён) ва тоблаш оқибатида металл структурасининг ўзгаришига (термик жараён) жалб этади. Ўқитувчи бундай сухбатдан кейин, бу дарс янги технологик жараённи - кимёвий-термик ишлашни ўрганишга бағишиланади, деб эълон қилади.

Ўқувчиларни янги билимларни идрок этишга тайёрлаш мақсадида кинофильмдан лавҳа намойиш қилиб, уни изоҳлаб бериш, уларни илмий-оммабоп журналлариппг навбатдаги дарс билан боғлик бўлган қизиқарли материаллари билан таништириш, илмий-техникавий кашфиёт

ёки ишлаб чиқариш илфорлари кўлга киритган ютуқлар тўғрисида газеталарда босилган материаллардан мисоллар келтириш мумкин ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларни муайян тарзда тайёрлайди, уларнинг янги материалга қизиқишини оширади.

Аммо ўқувчиларни янги билимларни идрок этишга тайёрлашни ички томондан эмас, балки ташки томондан ҳам қараш зарур. Ўқувчилар билимларни оптимал идрок этиши учун ўқув жараёни ўтказиладиган жойдаги санитария-гигиена шароитлари каби факторлар ҳам (дарс бошланишидан олдин кабинетлрни шамоллатиш, оптимал температурани сақлаб туриш, танаффус вақтида ўқувчиларнинг нормал дам олишини таъминлаш ва ҳоказо) ҳисобга олинини керак. Ўқувчиларнинг «старт» ҳолатини таъминлаш учун дарснинг бошланишини аниқ ташкил этиш: ўқувчиларни жой-жойига ўтқазиш, дафтар, китоб ва бошқа керак-яроғларни тахт қилиб қўйиш катта аҳамиятга эга.

Ўқувчиларни ўқув материалини идрок этишга тайёрлаш тўғрисида гапирилар экан, биринчи дарснинг роли ва ўқитувчининг ўқувчилар билан дастлабки алоқасининг роли ҳақида ҳам айтиш керак, чунки булар ўйтuvчи билан ўқувчилар орасидаги бундан кейинги муносабатларни маълум даражада белгилаб беради.

Биринчи дарс ижобий эмоциялар ва фанга қизиқиш ҳосил қилиши керак. Шу сабабдан энг қизиқарли фактлар танлаш ва энг самарали методик усуллардан фойдаланиш зарур. Ўқувчилар бундан кейинги машғулотлар янада қизиқарли ўтишини кутадиган бўлиши керак. Дарс материали бутун синф учун тушунарли бўлиши лозим. Бу ҳол барча ўқувчиларда қийинчиликларни енгиш имкониятларига ишонч ҳосил қиласди.

Дастлабки пайтларда ўқувчиларда ижодий фаолият ва активликни ривожлантиришда мўтадилликка риоя қилиш даркор. Мустақил тажрибалар, «тарқатиладиган материал» билан ишлаш, мунозара элементлари ва бошқа «шовқинли» методларни эҳтиётлик билан татбиқ этиш тавсия қилинади, чунки гурухни билмай туриб, ўқувчиларни назоратдан четда қолдириш мумкин. Дастлабки танишишда ўз мазмуни ва методикаси жиҳатидан равshan, қизиқиш уйғотадиган сўзлаб бериш методидан, шунингдек, ўқитувчига ўзининг янги тарбияланувчилари тўғрисида бой материал бера оладиган сұхбат методидан фойдаланган маъқул. Шу билан бирга, сўзлаб бериш ва сұхбат методлари ҳатто биринчи дарсда ҳам диапроектор, магнитофон ва бошқа техника воситаларидан фойдаланишга имкон беради.

Ўқитувчи дарсда ўзини қандай тутиши жуда муҳим. Ўқувчилар сезиши мумкин бўлган ишончсизликка, ҳатто жуда кичик бир хатонинг ўтказиб юборилишига йўл қўйилмайди. Шу сабабли ўқитувчи ўзининг ҳар бир усули, ўаракати, сўзини олдиндан тасаввур қилиши учун биринчи дарсга жуда пухта тайёргарлик қўриши лозим. Бу нарса, айниқса, дастлабки дарсларни, одатда, ҳаяжонланган холатда ўтказадиган ёш ўқитувчиларга таалгуқлиднр.

1.3. Ўқитувчининг ўқув материалини оғзаки баён этиш методикаси.

Ўқувчиларга ўқув материалини билдиришнинг асосий методларидан бири сўзлаб бериш, тушунтириш, маъruzani ўз ичига оладиган оғзаки баён этишдир. Буларнинг ҳаммасида таълим беришнинг факат бир воситасидан - ўқитувчи сўзидан фойдаланилади.

Сўзлаб бериши ўқув материалини ҳикоя тарзида баён этишни кўзда тутади. Бу метод ўқув материали, асосан, тавсифий характерда бўлиб, мантиқий изчиллиги билан фарқ қиладиган ҳолларда қўлланилади. Сўзлаб бериш ёрдамида, одатда, кириш мавзулари, машина ва механизmlарнинг умумий тузилиши, материалларнинг хоссалари ва ишлатилиши, ишлаб чиқаришнинг умумий технологияси масалалари ва шу кабилар баён этилади.

Тушунтириши ўқув материалини оғзаки баён этишни кўзда тутади. Тушунтириш жараёнида ўқитувчи солишиши, таққослаш, дедукция, индукция, асослаш, қонуниятлар чиқариш, масалалар ечиш ва шу кабилардан фойдаланади. Тушунтириш, асосан, хусусий ва конкрет маълумотларни билдиришда қўлланилади. ПрКасб ҳунаро коллежлари ўқитувчиларининг иш тажрибасидан сўзлаб бериш ва тушунтириш соф ҳолда камдан-кам учрайди, улар кўпинча сўзлаб беритш-тушунтиришдан иборат бўлган комплекс метод тарзида қўлланилади.

Маъруза, сўзлаб бериш ва тушунтиришдан фарқли ўлароқ, анча аниқ тузилган бўлади. Маърузалар, одатда, ўқув дастурининг йирикроқ, принципиал муҳим масалалари юзасидан ўқилади. Маърузада ўқув материали яхлит ва изчиллик билан баён этилади, ўзаро боғланган

тушунчалар, қонуниятлар тизими очиб берилади, курснинг турли мавзулари орасида ички боғланишлар ўрнатилади. Кириш маъruzалари, шарҳ маъruzалар, руҳи маъruzалар ва хотима маъruzалар бўлади.

Маъруза сўзлаб беришга қараганда узоқ давом этади (у, одатда, бутун дарсга мўлжалланади) ва ўқувчиларнинг ёзиб боришини (конспект тузишини) кўзда тутади. Маъruzani эшитиш сўзлаб беришни эшитишга қараганда қийинроқ, чунки кўпроқ диққат-эътиборни талаб этади. Маъruzалар, одатда, коллажларнинг ююри курсларида кўлланилади.

Методик усул нуқтаи назаридан олганда сўзлаб бериш, тушунтириш ҳамда маъруза жуда кўп умумийликка эга, шу сабабли умуман, оғзаки баён методикасини кўриб чиқамиз ва ҳар қайси методнинг ўзига хос хусусиятларини қайд этамиз.

Оғзаки баён этишга тайёргарлик кўришда шуни назарда тутиш зарурки, ўқувчилар янги материални, одатда, у тегишли мантиқий изчилликда қисм-бўлаклаб баён этилган тақдирдагина анча самарали ўзлаштирадилар. Ўқув материалининг ҳар бир қисми нисбатан тугал мазмунга эга бўлиши керак. Баённи режаштиришда материални асосий масалалар мумкин қадар кам бўладиган тарзда тузишга ҳаракат қилиш зарур. Тажрибадан маълумки, ўқувчилар икки-учта асосий фикрни осон, тўрт ёки бешта асосий фикрни қийинроқ идрок этадилар, агар асосий фикрлар саккиз-ўнта бўлса, ўқувчилар анча қийналади.

Баён этишда энг қийини бошланғич қисмдир, шунинг учун ўқитувчи уни жуда пухта машқ қилиши зарур. Ҳамма вақт маълум ва конкретроқ материалдан бошлаб, секин-аста янги материалга ўтиш лозим.

Ўқитувчилар иш тажрибасида янги факт, ҳодиса, қонуният ва воқеаларни тушунтиришни тузишнииг икки усули: индуктив ҳамда дедуктив усуллари кўлланилади.

Индуктив усулда ўқитувчи хусусийдан умумийга, дедуктив усулда эса, аксинча, умумийдан хусусийга боради. Бир материалнинг ўзини кўпинча икки усул билан бериш мумкин. Масалан, пўлатнинг қаттиқлиги бўшатиш темпертурасига боғлиқлигини индуктив усул билан тушунтириш, яъни ҳар хил температураларда бўшатилган айрим намуналарнинг қаттиқлигини ўлчаб, чоғиштирма жадвал тузиш ва боғлиқликни қуидагича таърифлаш мумкин: бўшатиш температураси кўтарилиши билан қаттиқлик пасаяди. Дедуктив усулда дастлаб қонуният таърифланади, сўнгра мисолларда кўрсатилади.

Дедуктив усулда баён этишга вақт анча кам сарфланади, аммо бу усулни кўллаш учун ўқувчиларда дастлабки билимлар ва абстракт фикрлаш борасида маълум тажриба бўлиши зарур. Шу сабабли касб ҳунар коллажларининг ўқувчилари учун, айниқса, ўқишининг дастлабки босқичларида, материални асосан индуктив усулда баён этиш лозим.

Баён этишнинг индуктив ёки дедуктив усулининг кўлланилиши ўрганиладиган материалнинг мазмунига боғлиқ. Ҳикоя тавсифидаги материални индуктив усулда баён этган маъкул; мулоҳазалар, хуносалар, асослашлар кўп бўлган материал кўпинча дедуктив усулда баён этилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, тушунтиришнинг индуктив ва дедуктив усуллари “соғ” ҳолда кам кўлланилади. Одатда, ўқитувчилар ўқув материалини баён этишда, ўрганиладиган масалаларнинг мураккаблиги ва муҳимлигига қараб бу усуллардан комплекс тарзда фойдаланадилар.

Баён этишнинг ғоявий-сиёсий йўналганлиги ниҳоятда муҳҳим ахамиятга эга. Дарсда таълим масалаларигина эмас, балки тарбия масалалари ҳам ҳал қилинади. Касб ҳунар коллажларининг дастурлари ҳар бир ўқитувчига; ишлаб чиқариш таълими устасига ўқувчиларда миллий истиқбол ғоясининг дунёқарашини хосил қилиши, уларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш учун кўп имкониятлар беради.

Махсус фанлар дарсларида ўқитувчи ўқув материалини баён этар экан, тегишли соҳада техника ва технологиянинг такомиллаштирилиши, унинг ривожланиш суръатлари ҳамда истиқболлари, ўзбек олимлари, конструкторлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари эришган ютуқлар тўғрисида сўзлаб бериши зарур.

Ўқитувчи умумтехника фанлари (электротехника материалшунослик, умумий технология, электротехника, радиотехника ва ҳоказо) дарсларида ўқувчиларга конкрет мисолларда табиат, техника, технология, иқтисодга доир ўрганилаётган ўдисаларнинг чинакам моддий ахамиятини чинакам илмий тушунтириб бериши, ўраб турган дунёни ўзгаришида инсон фаолиятининг ролини кўрсатиши керак.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўкув материалини қисм-бўлаклаб баён этиш тавсия қилинади. Бунда фикрдан фикрга, қисмдан қисмга мантиқан ўтиш, дарсдан кўзланган асосий мақсадни ўқувчилар эсига тушириш, материалнинг баён этилган ҳар бир қисмига яқун ясаш зарур, бу шартларга амал қилиш баён этишнинг мантиқийлигини оширади. Баён этиш мантиқи ўқувчиларга тушунарли бўлишига ҳаракат қилиш зарур. Ҳар бир фикр ўқувчилар онгига етказилмоғи лозим.

Баённинг тушунарли бўлишини ошириш учун:

конкрет бўлиш лозим, чунки умумий мулоҳазалар, одатда, қийинроқ ўзлаштирилади; зарурат бўлмаса, тушунарсиз терминлардан фойдаланмаслик керак;

жумлаларни имкони борича қисқа тузиш лозим;

ракамли материалларни этиёжсиз ишлатавермаслик зарур.

Баён этиш вақтида ўқитувчи таққослашдан фойдаланса, ўқувчилар материални яхшироқ тушунади. Таққослаш, деб таъкидлаган эди К. Д. Ушинский, ҳар қандай фикрлаш ва ҳар қандай тушуниш асосидир. Оламдаги ҳамма нарсани таққослаш орқали биламиз.

Муваффақиятли баён этишнинг энг муҳим шарти ўқитувчи баён этаётган ўқкув материалини идрок этиш ва тушуниб олиш жараёнида ўқувчилар эътиборининг турғун ҳамда фикрлаш фаолиятининг актив бўлишидир.

Илғор педагоглар ўқувчилар эътиборини жалб қилиб туриш ҳамда фикрлаш фаолиятини активлаштиришнинг ҳар хил усуллари ва методик усулларидан фойдаланадилар; бу усулларнинг самарадорлиги ҳар бир айрим ҳолда материалнинг мазмунига, гурухнииг таркиби ҳамда тайёргарлигига, дарсда фойдаланиладиган жиҳозларга, ўқитувчининг индивидуал фазилатлари ва иш тажрибасига боғлиқ бўлади. Яхши педагоглар тажрибасини жамлаб, энг характерли методик усулларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Аввало, сўзни кўрсатма қўлланмалар, тажрибалар, меҳнат усулларини намойиш қилиш, дафтарлардаги ёзувлар, расм чизиш, схема, график ҳамда жадваллар тузиш, диафильмлар намойиш қилиш, магнитофонга ёзиб олинганларни эшигтириш ва шунга ўхшашлар билан уйғунлаштириш зарурлигини кхрасатиб ўтиш лозим. Уйғунлаштириш бамаъни бўлганда, табиийки, ўқувчиларни активлаштиради, материал яхши ўзлаштирилади, чунки бу ҳолда идрок этиш жараёнида ўқувчиларнинг бир неча хил сезиш органлари (анализаторлари) иштирок этади.

Ўкув материалини баён этишда кўрсатма қўлланмалардан, яъни ташки кўрсатмалиликдан фойдаланишнинг муҳимлигни тўгрисида гапирилар экан, «ички» кўрсатмалилик ролини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Ўқитувчи сўзлаб бериш ва тушунтиришни шундай тузиши керакки, ўрганилаётган материалнинг моҳиятини фикран тасаввур қилиши учун ўқувчиларда баён этилганлар тўгрисида жонли образлар пайдо бўлсин.

Баён этишни муаммоли килиб тузиш ўқувчиларни активлаштириш ва улар эътиборини оширишга кўп жиҳатдан ёрдам беради. Унинг моҳияти шундан иборатки, ўқитувчи қонуният, хуроса, қоида ва шу кабиларни шунчаки баён этиб қолмай, балки ҳақиқатнинг “эмбрииологиясини” очиб беради, яъни уларни кашф этиш йўлини бир қадар тақрорлайди. Ўқитувчи муаммони ўртага ташлаб, уни ҳал қилишда вужудга келадаган ички зиддиятларни тушунтиради, ўз тахминларини айтади, уларни мухокамага қўяди, эътиrozларни рад этади, ҳақиқатни исботлайди. Ўқитувчи ана шу методик усул ёрдамида ўз мулоҳазаларига ўқувчиларни жалб этади, уларни ўзи билан бирга фикрлашга мажбур этади, излаш муҳити ҳосил қиласди. Бу шаклда баён этишда ўқувчиларни ўз фикрларини айтиш ва хуросалар қилишга одатлантириш фойдалидир.

Материални баён этиш вақтида ўқувчиларга саволлар беришни расм қилиш керак. Бундай методик усул икки мақсадни кэлайди. Биринчадан, ўқитувчи ўқувчиларнинг жавоблари характеристига қараб, уларнинг материални қандай ўзлаштираётганлигини билиш, яънн мълум даражада «қайта алоқа» ни амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Иккинчидан, ўқувчилар ўқитувчининг истаган пайтда сўраб қолишини билиб, уни анча диққат билан, атрофга чалғимай эшигадилар.

Материални баён этиш вақтида ўқитувчи ўқувчиларга саволлар бериб, улар баён этилганларни қанчалик тушунгандикларини аниқлашга ҳаракат қилиши лозим.

Бунда ўқитувчи ўқувчилардан ўзи айтанларини шунчаки тақрорламай, балки очилган қонуниятларни, хулосаларни англаб олиш ва амалда татбиқ этишга ҳаракат қилишларини талаб этиши зарур: бунда ўқувчиларни ўқитувчига саволлар беришга одатлантириш керакки, бу ҳам ўқув материалининг муваффақиятли ўзлаштирилишига ёрдам беради, дарсда ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти активлигини оширади. Песталоццининг “ўз вақтида берилмаган савол йўқотилган хазинадир” деган доно сўзларини эсдан чиқармаслик керак. Машхур педагог В. А. Сухомлинский ўқувчиларнинг ўқитувчига берадиган саволлари улар фикри активлигинин намоён бўлши, «билимларни ундиришнинг» зарур элементи, деб ҳисоблаган эди.

Агар ўқувчиларда ўқитувчига саволлар бўлмаса, бу ҳол ўқитувчини сергаклантириши, уни ўқувчилар пассивлигига сабаб нима: уларнинг қизиқмаслигими, тушунмаслигими ёки бошқа сабаблар борми, деб ўйлашга мажбур қилиши лозим. Ўқувчиларни активлаштириш, уларда ўрганилаётган масалаларга қизиқиш уйғотиш керак. Оқилона берилган савол учун ўқувчини рағбатлантириш лозим.

Ўқувчилар саволларни бутун материал ёки унинг айрим қисмлари баён этилиб бўлгандан кейин беришлари керак. Акс ҳолда саволлар ўқитувчини асосий фикрдан چалғитиши мумкин. Бу методик усул фойда ўрнига зарар келтиради.

Шу муносабат билан таъкидлаб ўтиш керакки, ўқувчиларга “Тушунарлими?” ёки “Аниқми?” деган анъанавий саволлар бериш йўли билан уларни саволлар беришга ўргатиш тавсия этилмайди. Бундай саволларга ўқувчилар одатда, бараварига «Тушунарли!» деб жавоб қайтарадилар, ҳолбуки, ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Ўқувчиларнинг эътиборини юқори даражада тутиб туришга мантиқий саволлар деб аталадиган саволлар, яъни ўқитувчи ўзига-ўзи бериладиган ва жавобини ўзи қайтарадиган саволлар ёрдам беради. Бундай методик усул баённи хилма-хил қиласи, бундан ташқари, ўқувчиларни саволларга жавоб қайтаришга тайёрлайди, бу эса ўқувчиларнинг дарсни дикқат билан тинглашига ижобий таъсир этади.

Ўқувчилар чарчаши оқибатида, кўпинча, уларнинг дикқат-эътибори ва активлиги пасаяди, ўқув материалини баён этишда буни ҳисобга олиш зарур. Узоқ вақт эътиборни жалб этиш кишини чарчатади, ўқувчи ўқитувчининг сўзларини дикқат билан эшита олмайди, چалғий бошлайди. Бу қонуниятни билмайдиган педагоглар чарчаган ўқувчиларда “эътибор ҳосил қилишга” беҳуда уринадилар.

Ишни ўқувчилар бутун дарс бўйича чарчамайдиган, дикқатини дарсга жалб этадиган қилиб ташкил этиш лозим. ўқувчилар чарчашининг олдини олиш усуларидан бири дарсни ўтказиш шакл ва усулларининг хилм-ахил бўлиши, дарснинг энг унумли қисмидан ўрганилаётган ўқув материалини ўзлаштириш учун фойдаланишdir. Тажрибали ўқитувчилар ўқувчилар ўзлаштириши қийин бўлган материални дарснинг биринчи ярмида баён этадилар, Такрорлаш, ўқувчилардан сўраш ва билимларни пухталаш ишларини эса дарснинг иккинчи ярмида ўтказадилар. Дарсда ўқувчиларнинг “актив дам олиш” шаклларидан бири улар фаолияти турларини алмаштиришдан, уларга эмоционал таъсир кўрсатишни яхшилашдан иборат. Кинофильм ва диафильмлардан лавҳалар кўрсатиш, магнитофонга ёзиб олингандарни эшиттириш, плакатлар, макетлар кўрсатиш, тажрибалар ўтказиш, дафтарларга расмлар солиш, масалалар ечиш, карточка-топшириклардаги саволларга жавоблар қайтариш ва шу кабилар - буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг ҳам чарчаб, иш қобилиятларини юқори даражада тутиб туришга ёрдам беради.

Аксари тажрибали ўқитувчилар ўқувчилар чарчогини ёзишда психологияк дам олдириш деб аталадиган усулдан фойлаланадилар. Бунга, одатда, ҳаётдан олинганд мисоллардан фойдаланиш, ўзлаштириш учун анча осон бўлган материални баён этишга ўтиш йўли билан эришилади. Шу мақсадда ҳазил-мутойиба қилиш, мақоллар айтиш, қизиқ-қизиқ воқеаларни гапириб бериш ҳам ўринли бўлади. Техника масалаларини ўрганишда ҳаётдан ўрганилаётган материалга тааллуқли мисоллар келтириш тавсия қилинади. Бу ҳол, бир томондан, баённи анча равшан, тушунарли қиласа, иккинчи томондан, ўқувчилар ўрганилаётган ҳодисаларни, қонунларни реал амал қилаётганлигини кўрадилар (масалан, пона— кескич, кучлар жуфти — вороток, параллел кучларнинг эговга босими, кесиш деформацияси — қайчи, бўшатиш — чархлаш вақтида асбобни совитиш ва ҳоказо).

Ўқув материалини баён этишга муайян вақт ажратилиши сабабли ўқитувчи дарсда мўлжалланганларнинг ҳаммасини баён этишга улгuriш учун ҳаракат қилиши керак. Бунииг учун ўқитувчи:

дарсни ўз вақтида бошлаши;

дарсга тайёрланиш вақтида унинт айрим босқичлари учун кетадиган вақтни, агар зарур бўлса, айрим асосий масалаларга кетадиган вақтни тахминан белгилаб олиши ва дарс жараёнида ана шу регламентга риоя қилиши;

ўқувчилардан қўйилган саволларга аниқ ва қисқа жавоб қайтаришни талаб этиши;

шахсан ўзи учун қизиқ бўлган масалаларни ортиқ даражада батафсил ва узоқ вақт баён этмаслиги лозим, акс ҳолда аҳамияти кам бўлмаган бошқа масалаларни баён этишга вақт етишмай қолади;

дарс режаси ва конспектдан оқилона фойдаланиши, лекин уларга боғланиб қолмаслиги, фақат вақт-вақти билан ўзини назорат қилиш мақсадида уларга қараб олиши;

кўрсатма қўлланмаларни, асбоблар ва бошқа моддий техника керак-яроғларни ўз вақтида таҳт қилиб қўйиши ҳамда керак бўлган вақтда олиш осон бўладиган тартибда жойлаштириб қўйиши зарур.

Ҳар қандай материални баён этиш сўнгидаги ҳамиша якун ясаш керак. Оғзаки баённинг якуний қисми айтилганларни умумлаштириш ва якун ясаш учун арур. Баённинг хотима қисмида баён этилган материалнинг асосий жойларини яна бир бор айтиб ўтиш, энг муҳим жойларига ўқувчилар эътиборини қўшимча равишда қаратиш, асосий хulosани тақорорлаш керак.

1.4. Ўқитувчи нутқининг техникаси.

Ўқув материалини ўқувчиларга муваффақиятли етказиш учун ўқитувчи баён этиш методикаси билан бир қаторда нутқ техникасини ҳам яхши эгаллаган бўлиши керак. Нутқ техникаси, кўпчилик ҳолларда табиат инъоми бўлмай, балки ўз устида тинмай ишлаш натижасидир.

Ўқитувчилар ўқув материалини ҳар хил тарзда баён этиб, бунда ижобий натижаларга эришишлари мумкин. Ўқитувчи мукаммал биладиган, ўқувчиларнинг чуқур ва пухта билим олишига имкон берадиган методикагина яхши бўлади. Шу муносабат билан нутқ техникаси юзасидан ҳар бир ўқитувчига бир хил даражада ва истаган ҳолда ярайверадиган методик маслаҳат бериш қийин. Шунинг учун илфор педагогик тажрибани умумлаштиришга асосланган баъзи тавсияларни келтириб ўтамиш.

Аввало шуни назарда тутиш керакки, дарсда ўқув материалини оғзаки баён этиш ташқи самарага мўлжалланган нутқ бўлмай, балки ўқувчиларга янги билимлар баён этишдир.

Ўқув материалини ўқувчиларга қараб, жонли тилда баён этишга ҳаракат қилиш, “биз”, “сиз”, “биз сиз билан” каби олмошлардан кўпроқ фойдаланиш, ўқувчиларнинг диққатига эътибор бериб туриш керак.

Ўқитувчи нутқининг ифодали блиши учун мимика ва имо-ишоралар катта аҳамиятга эга, чунки улар баён этилаётган материалнинг маънавий бўёғини кучайтиришга, унга ўз муносабатини билдиришга ёрдам беради. Аммо мимика, имо-ишораларга ҳаддан ташқари берилиб кетиш ярамайди.

Ўқитувчи ўқув материалини баён этар экан, унга бефарқ қарай олмайди. Бу нарса ўқувчиларни ўам бефарқ қарай олмайдиган қиласиди. Ўқитувчи баён этаётган материалнинг эмоционал бўёги ўқувчилар эътиборни активлаштиради.

Таълим жараёнини ижобий эмоциялар асосида куриш зарур. И. П. Павлов ижобий эмоцияларга бош мия катта ярим шарлари маҳсулдор ишлашининг манбаи сифатида қарар эди. Психологлар ижобий эмоцияларни инсон фаолиятининг қудратли стимули деб ҳисоблайдилар. Дидактика зерикиш таълимнинг - ашаддий душмани эканлигини исбот қилган.

Табиийки, баённинг эмоционал бўёги имкониятлари кўп даражада фаннинг мазмунига боғлиқ. Гуманитар фанлар ўқитувчиларида бундай имкониятлар, масалан, умумтехника ва маҳсус фанлар ўқитувчиларини киради анча катта. Бироқ энг “қуруқ” фан ҳам жонли, қизиқарли, жозибали тарзда баён этилиши зарур. Бунга эришиш воситалари жуда кўп. Булар жумласига тарихга кичикроқ экспурсия қилиш ҳам, қизиқарли фактлар, амалда ишлатиладиган мисоллар келтириш ҳам, солиштириш ҳам киради ва ҳоказо.

Ҳар бир педагогнинг нутқ сифати ва овоз тембри ҳар хил бўлади. Тегишлича машқ қилиб, овознинг ёқимли бўлишига эришиш мумкин. Нутқнинг индивидуал камчиликларига,

масалан, димоғдан сўзлаш, сўзнинг охирги қисмини “ютиб юбориш” ва шу каби камчиликлаоига барҳам бериш зарур. Нутқни паразит сўзлардан («хўш», «ундан кейин» каби сўзлардан) тозалаш лозим.

Ўқитувчи овозининг ўзи бемалол гапира оладиган оҳангини аниқлаб олиши жуда фойдали. Бу оҳангдан четта чиқиш нутқни жонлантиради. Нутқнинг паст-баландлиги муҳим аҳамиятта эга. Ўқитувчининг аудиторияни тўлдириб, энг охирги қаторда ўтирган ўқувчилар ҳам эшитадиган овози нормал ҳисобланади. Бироқ ҳаддан ташқари баланд овоз ўқувчиларни чарчатиб қўяди.

Сўзлашнинг тез-секинлиги ҳам нутқ техникасини характерлайди. Жуда тез нутқни (минутига 150 сўз) ўқувчилар яхши тушуммайди, ҳаддан ташқари секин нутқ (минутига 80 дан кам сўз) ўқувчиларнинг ғашига тегади ва эътиборининг сусайишига сабаб бўлади.

Нутқнинг тезлик ва баландлик даражасини, шунингдек, оҳангини ўқув материалининг қийинлик ҳамда муҳимлик даражасига қараб ўзгартириш зарур. Муҳим қонун-коидалар, таърифларни оддийроқ ёки иккинчи даражали материалга қараганда баландроқ овоз билан ва секинроқ баён этган маъқул. Ҳамма вақт аниқ ва равshan гапиришга ҳаракат қилиш лозим. Янги терминларни айниска аниқ айтиш зарур.

Тажрибали ўқитувчилар ўқув материалини баён этиш жараёнида айрим жумлалар орасида ва ҳар бир муҳим фикр ёки таърифдан кейин бир оз тўхтаб-тўхтаб оладилар. Бу хол ўқувчилар эътиборини оширади ва баён этилаётган материални тушуниб олиши учун вақт беради.


Нутқ техникаси ўқитувчининг кундалик иши натижасидир; уни доимо такомиллаштириб бориш учун қўйидагилар тавсия этилади:

бошқаларнинг қандай гапираётганини кузатпб бориш, ишдаги ўртоқлари, шунингдек, мажлис, маъруза, анжумандада гапирғанлар нутқининг афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилиш лозим;

ҳамма вақт ўз нутқини машқ қидиришга интилиш керак; нутқи юқори маданиятли ва техникали қилишнинг энг яхши усули мажлис, кенгаш, семинар, педагогик ўқишлиларда кенг аудитория олдида нутқ сўзлашдир.

II. Таълимда ўзлаштириш ва фаоллаштиришни амалга ошириш технологияси

2.1. Билимларни ўзлаштириш даражалари (репродуктив ва продуктив)



Билиб олинган ахборот айнан кўрсатилганидек ишлатилиши ва бир хил шарт-шароитда қўлланиши мумкин. Бундай ахборотни қўллаш репродуктив фаолиятни вужудга келтиради. Репродуктив фаолиятда қайта гапириб беришдан тортиб, ўхшаш масалаларни ечишгача, яхши таниш шароитларда ва аниқ қоидаларга таянган ҳолда фаолият юритиш характерлидир.

Репродуктив фаолият албатта бирламчи бўлиб, бирламчи билим, малака ва кўникмаларни шакллантиради. Репродуктив фаолиятнинг 2 даражаси бор:

Репродуктив фаолиятнинг 1 даражаси :


Агар мақсад, ҳаракат ва вазият аниқ кўрсатилган бўлса, талабадан фақат шу ҳаракатни бажариши талаб этилса, бу биринчи даражали ўзлаштириш деб аталади.

Мақсад. а – Вазият. а – Ҳаракат. а

Формуласи: $2 \pi R^2$

$R = 5 \text{ см}$

Айлана юзини топинг




Репродуктив фаолиятнинг 2- даражаси :

Агар мақсад ва вазият маълум, аммо ҳаракатни талаба ўзини олдинги билимларини эслаш хисобига топиши лозим бўлса, бу иккинчи даражали ўзлаштириш ҳисобланади. (Ақлий хужум)

М а – В а – Х х

Бир айлана


иккинчи айланадан неча баробар катта



2.2. Продуктив ўзлаштиришнинг даражаси

Продуктив фаолият жараёнида ўқувчи ҳар доим ўқув предметида ўзлаштириб олинганига нисбатан янги ҳаракат яратади, изланувчанлик ва тадқиқотчилик фаолиятини олиб боради. Продуктив ўзлаштиришнинг 2 даражаси бор:

Продуктив ўзлаштиришнинг 1- даражаси
Агар вазифада мақсад аниқ, аммо вазият




ноаниқ бўлса ва ҳаракат номаълум бўлса, талабадан вазиятни эслаш ва нотипик масалани ечиш талаб этилса, бу эвристик типдаги фаолият хисобланади. М а – В х – X х	
Бир-бирини устига тушган айланаларнинг юзини топинг	
Продуктив ўзлаштиришнинг 2- даражаси	
Агар фаолиятнинг мақсади умумий тарзда берилган бўлса, вазиятни ҳам, ҳаракатни ҳам излаш талаб этилса, бу ижодий типдаги продуктив фаолият хисобланади. М умумий – В х – X х Талаба ижод этган ҳолда масала ечимини топади.	

2.3. Ўкув жараёнининг қисмлари ва уларни бошқариш

Ўкув жараёни уч бир-бири билан боғлиқ қисмлардан иборат:

1. мотивлар (M);
2. ўқув фаолияти (УФ); ўзлаштириш фаолияти
3. бошқариш (Б);
 $\text{УЖ} = \text{M} + \text{УФ} + \text{Б}$



Мотивлар. Ўқув мотивлари кишида қизиқиш, эҳтиёж, интилиш, майил, уйғотишини ўз ичига олади. Талабада мотивларни шакллантириш индивиудал хусусиятларга, ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Ўқиш мотивациясини пайдо бўлишига кўпгина омиллар таъсир кўрсатади:

1. Ташки омил. А) Иш ўринларига ҳақиқий рақобатда ғолиб бўлган кадрларни танлов орқали қабул қилиш. Бу ҳолда талабалар ўzlари хоҳлаган меҳнат билан банд бўлиш ва шу ўрин учун рақобатда енгиб чиқиши мақсадида билимларни пухта эгаллашга ҳаракат қиладилар.

Б) Жамиятда яхши кадрларга талабнинг юқори бўлиши, уларни рағбатлантиришнинг самарали тизимларини ишлаб чиқиши ҳам мотивацияни кучайишига ёрдам беради.

2. Ички омиллар: талабаларнинг ўқишига қараб степендијаларнинг белгиланиши, ўқув дастурларининг сифати ва амалий йўналиш, ўқув жараёнини талабаларнинг эҳтиёжларига мослаштирилиши каби омилларни белгилаш мумкин.

Ўқув фаолияти. Ўзлаштириш фаолиятини ташкил этиш таълим мақсадларидан келиб чиқади. Агар ўзлаштиришнинг биринчи даражаси мақсад қилиб қўйилган бўлса, репродуктив ўзлаштириш даражаси билан кифояланиб қолинади. Агар мақсад сифатида 3-4 даражада олинган бўлса, унда ўзлаштиришнинг продуктив шаклига ўтиши талаб этилади.

Ўзлаштириш натижалари мақсаддан келиб чиқсан ҳолда текширилади.

Бошқариш. Агар ўзлаштириш коэффиценти ($K=I$) га етказилса (бу 0,7-0,8) яъни 75-85 % ўзлаштиришни англатади. Ўзлаштириш фаолияти ҳар бир даражада текширилиб ўзлаштириш коэффиценти аниқлангач кейинги ўзлаштириш даражасига ўтиш мумкин. Ўзлаштириш фаолиятини ташкил этишда мавзунинг ҳарактерли хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мальум

технологиялар танланади, ушбу технологиялар белгиланган ўқув мақсадларига мос тушиши лозим.

Ўзлаштириш даражаси коэффицент билан ўлчанади. Ҳар бир ўзлаштириш даражаси 1га етгандан кейингина юқорироқ даражага ўтишга имкон яратилади. Ўқув жараёнини түғри бошқариш деганда ўзлаштириш кўрсаткичларини хисобга олган ҳолда биринчи даражадан иккинчи даражага ва иккинчи даражадан учинчи даражага узлуксиз ўтиб бориш тушунилади.

2.4. Намунавий дарс унсурлари

Увертюра. Ўқувчиларда дарсга қизиқиши уйғотиши учун қисқа баҳсдан бошланг, савол беринг, муаммоли мавзу беринг ёки фаолиятнинг бирон-бир турини тақдим этиш. Дарс мавзусини ўқувчилар дастлабки дарсларда олинган билими ва ҳаётий тажрибаси билан боғлашга ҳаракат қилинг, дарс нега муҳим эканлигани кўрсатиб ўтинг.

Кутилаётган натижаларни ифодалаш. Ўқувчиларга улардан нима кутилаётганини тушунтириб беринг. “Мазкур дарс натижасида ўқувчилар билишлари лозим ва қилишлари лозим бўлган ва мен талаб қилган нарса нимадир?”.

Ўқитувчининг роли. Дарс учун зарур бўлган бошланғич ахборотни тақдим этиш. Ўқувчиларга предмет бўйича синфда ёки уй вазифа сифатида интерфаол машқларни бажариш учун зарур бўлган ахборот билан ахборот (матн, маъруза, ҳужжатлар, ўқиш, видео) билан таъминланг.

Интерфаол методика — бу дарснинг ўзагидир. Мазкур интерфаол методикада кўллайдиган вазифаларни қисқа тарзда тавсифланг. Вазифада иштирок этиш учун нима қилиш лозимлигини тушунтиринг. Аниқ ва ҳажмли тушунтиришларни беринг, айниқса, гурухларда ишлаш учун лўнда тушунтириш беринг. Ўқувчилар тушунишини текширинг ва изоҳ беринг. Дарснинг ҳар бир қисмини батафсил режалаштиринг, дарс режасини якунлаш учун вақт ажратинг. Дарсни ташкиллаштириш масалалари бу ерда муҳим ролни ўйнайди (булар қаторига гурухлар ҳажми, гурухларга индивидуал тарзда ёрдам, тушунишини текшириш киради). Дарс яхши чиқиши ёки чиқмаслиги айнан шуларга боғлиқ. Ўқитувчи барча ўқувчилар вазифани бажараётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун ишларини назорат қиласди.

Якуп ясаш — ўқувчилар билан бирга улар дарсда танишган асосий концепцияларга якуп ясанг ҳамда дарсда олинган билим ва кўнилмаларни қўллаб, жавоб бериши мумкин бўлган саволларни беринг. Бу дарснинг баҳоловчи қисми. Ўқувчилар нима ўргандилар? Ўқувчилар ўз жавобларида намоён қилаётганлари дарсдан кутаётган натижаларини мувофиқлигини текширинг

2.5. Талабага йўналтирилган таълим

Ўқитувчига йўналган таълим	Талабага қаратилган таълим
Ўқувчилар пассив равища билимларни қабул қилаётганлар хисобланади	Талабалар англашувлар ва билимларнинг фаол “бунёдкорлари”
“Барча учун бир хил нарса тўғри келади” қабилидаги умумий ишларнинг устунлик қилиши	Услублар ва стратегиялар мутаносиблиги – ўқитишининг ҳар хил турлари ва қобилиятлар фойдасига
Махсулот ва мазмунга урғу берилади	Жараёнга қандай таълим олишга урғу берилади
Бир фанга (предметга) йўналганлик	Интеграциялашган ўқув режаси, фанлар интеграциялашуви
Рақобат ва индивидуал ишлаш қўллаб-куватланади	Ҳамкорлик ва қўмак қўллаб-қувватланади
Ўқитувчи ахборот берувчи ва қарор қабул қилувчи сифатида	Ўқитувчи фасилитатор ва ҳам ўқувчи сифатида
Мазмун “ҳақиқий ҳаёт” билан боғлиқ эмас	“Ҳақиқий ҳаёт” контекстида мазмундор таълим

Талаба бир ўзи ёки катта гурухда ишлайди	Талабалар кўпинча биргаликда кичик гурухларда ишлайдилар
--	--

2.6. Замонавий дарснинг асосий компонентлари

Ташкилотчилик - синфни бутун дарс мобайнида ташкиллаштириш, ўқувчиларни дарсга тайёргарликлари, тартиб ва интизом.

Мақсадлилик ўқувчилар олдида бутун дарс ҳамда унинг алоҳида боқичларига таълим мақсадларини қўйиш.

Мотивацион (сабаб) – мазкур мавзуда ва бутун курсда ўрганилаётган материалнинг муҳимлигини аниқлаш.

Коммуникатив- ўқитувчини синф билан мулоқот олиб бориш даражаси.

Компетентлик – мазмуний ўрганиш, мустаҳкамлаш, қайтариш ҳамда мустақил иш учун материални танлаш.

Технологик лойиҳалаштириш - дарснинг мазкур тури, мазкур мавзу, мазкур синф учун таълим беришнинг оптимал бўлган шакли, услуби ва методларини танлаш.

Назорат- баҳоловчи. Ўқувчининг фаоллигини рағбатлантириш ва билиш манфаатларини ривожлантириш учун дарсдаги фаолиятининг баҳосини қўллаш.

Аналитик (таҳлилий) рефлексив ёндошув - дарс хулосаларини чиқариш, дарсда ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда дарсни ташкил қилиш бўйича ўз фаолияти натижаларини таҳлил қилиш.

Компетентлик. “Компетенция” тушунчаси лотинча “compete” сўзидан олинган бўлиб, лойик, мос келмоқ деган маъноларни англатади.

Кенг маънода компетенция масаланинг, шунингдек, муайян билим соҳасининг моҳиятини мувафаққиятли ҳал этишда амалий тажрибага асосланиб, билим ва қўникмаларни қўллай олиш қобилиятидир.

Касбий компетенция – касбий фаолиятга оид масалаларни амалий тажриба, билим ва қўникмага таяниб мувафаққиятли ҳал эта олишга қаратилган фаолият.

Содда қилиб айтганда, компетенция – зарур (кўзланган) натижага эришиш учун амалга ошириладиган фаолият.

Тушунча ва тасаввурлар шакlidаги инсоннинг билиш фаолиятининг тузилмасидан фарқли ўлароқ, компетенция фаолият жараёнида намоён бўлади ва аниқланади.

Амалда компетентлик – билим маҳсаки бўлиб, амалиётда қўллай билиш қобилияти.

Шунингдек, компетенция, билимдан фарқли, амалий фаолиятсиз намоён бўлмайди ва уни баҳолай олиш мумкин эмас.

Компетентликнинг асосий мезони (критерия) турли ҳолатларда, шу билан бирга асабий вазиятларда ҳам, ўзини тута билишнинг намоён бўлишидир. Унинг тасодифий мувафаққиятли қўлланиши ҳисобга кирмайди.

Яна бир бор таъкидлаш жоизки, ”компетентлик“ ва ”компетенция“ ўзгарувчан вазият ва ҳолатларда барқарор натижага эришишдир. Шунингдек, компитенция билимдан фарқли вазиятга боғлиқ эмас.

компетенциянинг асосий”(“ключевые”) атамаси- жамиятдаги инсон фаолияти муваффакияти учун асос, калит эканлигини таъкидлайди.

«Асосий компетенциялар таълимнинг шахсга йўналтирилган компоненти сифатида» асарида қўйидаги компетенция турларини таклиф қиласди:

- миллий қадриятга йўналтирилган;
- умум миллий қадриятларга қаратилган;
- ўқиши-билим олишга қаратилган;
- информацион;
- мулоқот (коммуникация);
- ижтимоий меҳнатга қаратилган;
- Компетентликнинг асосий таълимий мажмуаси;
- турли ахборот манбаларини ўзлаштириш усулларига асосланган мустақил билим олиш соҳасидаги компетентлик;

- ижтимоий – фуқаролик фаолиятига оид компетентлик (фуқаролик-сайловчи, истеъмолчи каби бурчларни бажариш);
- ижтимоий меҳнат фаолияти борасидаги компетентлик (меҳнат бозоридаги вазиятни таҳдил қила олиш, ўзининг касбий имкониятларини баҳолай олиш, иш жараёнидаги ўзаро муносабатларда меъёр ва этикага риоя қилиш, ўзини бошқара олиш);
- майший соҳадаги компетентлик (ўз соғлиги, оиласвий шароит аспектлари ҳам киради);
- маданий ҳордик фаолиятидаги компетентлик (бўш вақтларини ташкил қила олиш ва ўтказиш ҳам шунга оид).

Таълимда компетентлик билан ёндашув ўқувчиларни турли кўниммаларни эгаллаш, келажакда ижтимоий, касбий ва шахсий ҳаётларида самарали ҳаракат қилишга йўналтиради.

Ўқитувчининг вазифаси – мустақил қарор қабул қилиш, масала ечимининг янгича усулларини топиш, олинган натижага мустақил баҳо бериш каби вазиятларда самарага эришиш қобилиятини ривожлантириш.

Барча фанлар бўйича дарсларда ва дарсдан ташқари машғулотларда қўлланиладиган асосий компетенцияларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг типик(кенг тарқалган) методлари :

- Ўқувчиларнинг аввалги тажрибаларига мурожаат қилиш;
- Муаммоли топшириқ ва вазиятларни мухокама килиш ҳамда қарор қабул қилиш;
- Ўқувчилар мунозаралари, уларнинг субъектив(шахсий) қарашлари ўртасидаги кураш;
- Тадбиркорлик ва ролли ўйинлар, лаборатория ва амалий машғулотлар;
- Лойихавий фаолият : ҳаётий вазиятларга боғлиқ тадқиқотчилик, ижодий, ролли фаолиятлар, амалиётга йўналтирилган (кичик) мини-лоиха ва лойиҳалар.

Шуни эсда тутиш лозимки, маҳсус қўшимчалар (ўз-ўзини баҳолаш, гурӯх мақсадини таҳмин қилиш) билан таъминланмаган баъзи шакл ва методлар асосий компетенцияларни ривожлантиришга қўмаклашмайди. Масалан: ўқитувчи монологи, оммавий – якка тартибда (фронтал-индивидуал) сўров ўтказиш, анъанавий шаклдаги назорат, видеофильм намойиши, ўқитувчи томонидан берилган мустақил иш.

Замонавий педагог ўқувчиларни мустақил, режали ишлашга, ўзининг ва ўзгаларнинг вақтини оқилона тақсимлашга, ахборотнома(справочник) ва қўшимча адабиётлар билан ишлашга, тезис ва рефератлар ёзишга ўргатиши лозим.

2.7. Таълимнинг фаол услублари самараси натижалари

1. Билимларни репродуктив ва продуктив даражаларини ўзлаштиришга ёрдам беради.
2. Таълим самараси ва сифатини оширади.
3. Шахс ижтимоий ва индивидуал хислатларини шакллантиради.
4. Талабаларда универсал ҳаётий кўникма ва малакаларни шаклланиши ва ривожланишини таъминлайди.
5. Педагогнинг ва талабаларнинг қизиқиши ва ўқитишнинг мотивациясини оширади.
6. Мухитда-КХК ва аудиторияда қулай иқлимини яратади дўстона муносабатни шакллантиради.

III. “Катта босим ва вакуум хосил қиласынан жиһозлар” мавзусини кейс–стади методи асосида ўқитишиның ишлаб чиқиши.

3.1. Асосий түшүнчалар

Кейс-стади (инглизча case - түплем, аниқ вазият, stadi -таълим) - кейсда баён қилинган ва таълим олувчилик мұаммона ифодалаш ҳамда унинг мақсадда мувофиқ тарздаги ечими вариантынан излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилған вазиятнинг мұаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Кейс-стади - таълим, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилған таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий мұаммоли вазиятни ҳал қилиш жараённида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли этишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилған оптималь усуллари ва воситалари мажмудан иборат бўлган таълим технологиясидир

У илк марта Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда кўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиши тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиши услуги кенг татбиқ этила бошлади.

Кейслар типологияси

Типологик белгилари	Кейс тури
Асосий манбалари	1. Даладаги 2. Кабинетдаги 3. Илмий-тадқиқотчилик
Сюжет мавжудлиги	1. Сюжетли 2. Сюжетсиз
Вазият баёнининг вақтдаги изчиллиги	1. Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидағи кейс 2. Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотира 3. Прогностик кейс
Кейс объекти	1. Шахсий 2. Ташкилий-институционал 3. Кўп субъектли
Материални тақдим этиш усули	1. Ҳикоя 2. Эссе 3. Таҳлилий ёзишма 4. Журналист тергови 5. Ҳисобот 6. Очерк 7. Фактлар мажмую 8. Статистик материаллар мажмую 9. Хужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмую
Хажми	1. Қисқа (лўнда) 2. Ўртача микдордаги 3. Катта (узун)
Тузилмавий ўзига хос хусусиятлари	1. Тузилмаланган 2. Тузилмаланмаган
Ўқув топшириғиниң тақдим этиш усули	1. Саволли 2. Кейс-топширик


Дидактик мақсадлари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳлаш 2. Тренингли, ўқув мавзуи/предмети бўйича малака ва кўникмалар орттиришга мўлжалланган 3. Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи 4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувчилик қарорлари қабул қилишга ўргатувчи 5. Вазият субъекти ривожининг янги стратегиялари ва йўллари, янгича баҳолаш услублари ва шу кабиларни ишлаб чиқишига рағбатлантирувчи
Расмийлаштириш усули	<ol style="list-style-type: none"> 1. Босма 2. Электрон 3. Видео-кейс 4. Аудио-кейс 5. Мультимедиа-кейс

КЕЙС ТУЗИЛМАСИ



3.2. Ўқитишининг кейс технологияси

Ўқув машғулотининг ўқитишининг кейс-технологияси ўз ичига қуидагиларни олади:



Таълим технологиясининг модели

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Технологик харитага иловалар

Ўқув машғулотининг универсал технологик картаси

Босқичлар, вақт	Фаолият	
	ўқитувчининг	талабаларнинг
ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИ	Кейс материалларини тайёрлайди ва талабалар танишиши ва ҳал қилиши учун уларга ОЛДИНДАН ТАРҚАТАДИ. Вазиятни таҳлил этиш алгоритми (йўриқномаси) билан таништиради. Таҳлилни мустақил ўтказиш ва унинг натижаларини вазият таҳлили варагига ёзиш вазифасини топширади	Кейсни индивидуал тарзда услубий кўрсатмалардан фойдаланган ҳолда мустақил ҳал этади
1-босқич. Ўқув машғулоти-га кириш, ... мин.	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади, режалаштириладиган натижаларни эълон қиласди. 1.2. Ушбу кейс мақсадини ва унинг профессионаллаштиришга таъсирини тушуниради. 1.3. Семинарда ишлаш тартиби, кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Тингладилар, аниқловчи саволлар берадилар
2-босқич. Асосий (... мин.)	2.1. ... мавзуси (... – сонли илова) бўйича талабалар билимларини долзарблаштириш учун блиц-сўров ўтказади	Саволларга жавоб берадилар, муҳокама қиласди, аниқловчи саволлар берадилар

	<p>2.2. Талабаларни гурухларга бўлади. Гурухда ишлаш қоидалари (... – сонли илова), мунозара қоидалари (... – сонли илова) билан таништиради (эслатади), мунозара қатнашчисига эслатмани (... – сонли илова) тарқатади.</p> <p>Куйидагича топшириқ беради: кейс билан индивидуал ишлаш натижаларини муҳокама қилиш, вазиятни жамоа бўлиб таҳлил этиш варагини тўлдириш, муаммоли вазиятнинг индивидуал ечими бўйича устувор ғояларни баҳолаш ва танлаш, тақдимотга тайёрланиш.</p> <p>2.3. Ўқув фаолиятини мувофиқлаштиради, маслаҳат беради, йўналтиради. Индивидуал иш натижаларини текширади ва баҳолайди:</p> <p>вазиятни таҳлил этиш вараклари</p>	Ўқув топширигини бажаради
	<p>2.4. Тақдимотни, тақдимотлар муҳокамаси ва ўзаро баҳоланишини ташкил этади.</p> <p>Жавобларни изоҳлайди, ўзгартиради, вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш жараёнида берилган хulosаларга алоҳида эътибор қаратади.</p> <p>2.5. Кейс ечими бўйича ўз вариантини маълум қиласи</p>	Гурухлар иш натижалари тақдимотини ўтказадилар. Мунозарада қатнашадилар, саволлар берадилар, баҳолайдилар
3-босқич. Якунловчи-баҳоловчи, ... мин.	<p>3.1. Машғулотга якун ясади, ўқув фаолияти натижаларини берадилар умумлаштиради, индивидуал ва биргаликдаги ишга баҳоларни эълон қиласи. Олинган билимларнинг келгусидаги касбий ва ўқув фаолияти учун аҳамиятини қайд этади</p>	Тинглайдилар, аниқловчи саволлар берадилар

ЎҚУВ ТОПШИРИҚ

1. Кейс билан индивидуал ишлаш натижаларини муҳокама қилиш.
2. Вазиятни жамоа бўлиб таҳлил этиш, муаммоли вазиятнинг индивидуал ечими бўйича устувор ғояларни баҳолаш ва танлаш
3. Тақдимотга тайёрланиш
4. Гуруҳ иши натижаларини тақдимот қилиш.

Тавсиялар: Гуруҳ иши жараёнида “Амалий вазиятни таҳлил этиши ва ҳал қилиши бўйича гуруҳ бўлиб ишлаш йўриқномаси”дан фойдаланинг.

3.3. “Катта босим ва вакуум хосил қиласидаги жиҳозлар” мавзусининг мазмуни


Компрессорлар

Ишлаш принципига кўра компрессорлар марказдан қочма типда, роторли, поршенли ва ингичка оқимли турларга ажратилади. Уларнинг принципиал тузилиш схемалари худди шу типлардаги насосларнинг тузилиш схемаларига ўхшаш бўлади.

Поршенли компрессорлар. Ишчи цилиндр узунлиги бўйича поршенни бир маротаба бориб келиши туфайли амалга ошириладиган сўриш ва ҳайдаш (сикиш) цикллари сонига кўра бир томонлама ёки оддий (сўриш ва ҳайдаш цикли) ҳамда икки томонлама (иккита сўриш ва иккита ҳайдаш цикли) харакатланувчи компрессорлар мавжуд. Поршенли компрессорлар, газни сикиш босқичлари сонига кўра, бир босқичли ва кўп босқичли бўлади.

Бир босқичли компрессорларда газ битта ёки параллел ишловчи бир нечта цилиндрларда сикилади. Шунга кўра, компрессорлар бир цилиндрли ёки кўп цилиндрли бўлиши мумкин.

Бир босқичли поршенли компрессор (15.3-расм) поршенли насос каби тузилишга эга бўлиб, унинг ишчи цилинтрида 1 кривошип-шатунли механизм 6 ёрдамида илгариланма-қайтма ҳаракат қилувчи поршень 2 жойлашган.



3.1-расм. Поршенли компрессорларнинг тузилиш схемалари:

а- бир цилиндрли бир томонлама сиқувчи компрессор; б- бир цилиндрли икки томонлама сиқувчи компрессор; в- икки цилиндрли икки томонлама сиқувчи компрессор; 1- ишчи цилиндр, 2- поршень; 3- сўриш клапани; 4- ҳайдаш клапани; 5- шатунъ; 6- кривошип; 7- маховик; 8- крейцкопф.

Поршень чапдан ўнг томонга ҳаракатланганда цилиндрда сийракланиш юзага келади ва сўриш клапани 3 очилиб, цилиндр 1 газга тўлади. Поршень орқага қайтганда эса, цилиндр ичидаги газнинг сикилиши туфайли, сўриш клапани 3 ёпилади.

Цилиндрдаги босим маълум бир қийматларга етгач, ҳайдаш клапани 4 очилиб, газ ҳайдаш тармоғига узатилади. Шундай сўнг цикл қайтарилади.

Газ сикилганда унинг ҳарорати кўтарилади. Юқори ҳарорат таъсирида “поршень-цилиндр” системасини ёғлаб турувчи мойнинг куймаслиги ва ушбу системанинг нормал ишлаши учун цилиндр девори ташқи томондан совутилиб турилади.

Бир босқичли компрессорнинг иш унумдорлиги унча юқори бўлмаганлиги сабабли саноат корхоналарида икки томонлама газ сиқувчи поршенли компрессорлар кўп ишлатилади (15.3-расм, б- схема).

Бундай компрессорларнинг ишчи цилинтрида газ поршеннинг ҳар иккала томони билан навбатма-навбат сикилади. Поршеннинг цилиндр бўйлаб бир маротаба бориб келиши натижасида газни икки марта сўриб олиш ва икки марта ҳайдаш акти амалга оширилади.

Икки томонлама газ сиқувчи поршенли компрессорнинг иш унумдорлиги бир томонлама газ сиқувчи компрессорнинг иш унумдорлигидан деярли икки баробар юқори, ўлчамлари эса деярли бир хил, аммо мураккаброқ тузилишга эга.

Икки цилиндрли бир томонлама газ сиқувчи компрессор тузилиш жиҳатдан иккита шу тартибда ишловчи компрессорлар мажмуасидир (15.3-расм, в-схема). Компрессорнинг поршенлари тирсакли валга, бир-бирига нисбатан 90° ёки 180° бурчак остида ўрнатилган кривошип орқали ҳаракатга келтирилади.

Сиқиш жараёнида турткilarни пасайтириш ва газ узатишни меъёрлаштириш мақсадида сиқилган газ дастлаб ресиверга, сўнгра эса ҳайдаш линиясига узатилади. Ресиверда газ мой ва намлиқдан тозаланади.

Вертикал цилиндрли компрессорлар горизонтал цилиндрли компрессорларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга: улар горизонтал компрессорларга ($n=100\div240 \text{ мин}^{-1}$) нисбатан тез юрап ($n=300\div500 \text{ мин}^{-1}$) бўлгани учун иш унумдорлиги юқори, ихчамлиги сабабли ишлаб чиқариш майдонида кичик жой эгаллайди, цилиндр ва поршенларнинг емирилиш даражаси секин кечади.

Поршенли компрессорларнинг иш унумдорлиги вақт бирлиги ичida узатилган газнинг ҳажми билан аниқланади.

Бир томонлама сиқувчи компрессорнинг ҳакиқий иш унумдорлиги ($\text{м}^3/\text{сек}$) қуйидаги тенглама ёрдамида хисоланади:

$$Q = \lambda F S n / 60, \quad (15-14)$$

бу ерда λ - узатиш коэффициенти; F - поршеннинг кўндаланг қесим юзаси, м^2 ; S - поршень йўлининг узунлигиги, м ; n - кривошипнинг айланиш частотаси, мин^{-1} .

Узатиш коэффициентининг қиймати $\lambda = (0.8\div0.95)\lambda_0$ чегараларда қабул қилинади.

Компрессорнинг ҳажмий фойдали иш коэффициенти қуйидаги тенглама бўйича хисобланади

$$\lambda_0 = 1 - \varepsilon_0 [(P_2/P_1)^{1/m} - 1], \quad (15-15)$$


бу ерда $\varepsilon_0 = V_k/V_1 = 0.03\div0.08$; V_k - цилиндрдаги бўшлиқнинг қолдиқ ҳажми; V_1 - поршеннинг цилиндрда силжиши туфайли ҳосил бўладиган ишчи ҳажм; $m = 1.2\div1.35$ - қолдиқ ҳажмдаги сиқилган газнинг кенгайишини политропик кўрсаткичи.

Кўп босқичли компрессорларнинг иш унумдорлиги уларнинг биринчи босқичини иш унумдорлиги билан аниқланади.

Поршенли компрессорларнинг фойдали иш коэффициенти юқори бўлиб, улар ёрдамида газларни кенг интервалда, 100 МПа гача сиқиш мумкин. Мазкур машиналарнинг асосий камчилликлари - газларни бир меъёрда узатиб бўлмаслиги, иш унумдорлигининг пастлиги ва клапанларнинг кўплигидир.

Роторли компрессорлар. Конструктив белгиларига кўра роторли компрессорлар пластинали, сув ҳалқачали, думалайдиган роторли, винтли, шестерняли ва бошқа турларга ажратилиши мумкин.

Пластинали компрессорлар ва пластинали насосларнинг тузилиши ва ишлаш принципи айнан ўхшаш бўлади (15.4-расм).



3.2- расм. Пластинали роторли компрессор схемаси:

1- ротор; 2- пластина; 3- ишчи бўшлиқ; 4- совутувчи сув камераси; 5- қобик; 6- ҳайдаш патрубкаси; 7- сўриш патрубкаси.

Компрессор корпусининг ички юзасига нисбатан унинг ротори муайян эксцентриситет билан жойлаштирилади.

Роторнинг ўйиқларига (пазларига) радиал йўналишда эркин суриладиган пластиналар жойлаштирилган. Пластиналар ротор ва корпус орасидаги ўроқсимон конструктив бўшлиқни бир нечта ўзаро тенг бўлмаган, ўзгарувчан ишчи ҳажмларга ажратади.

Сўриш патрубкаси худудида пластиналар марказдан қочма куч таъсирида роторнинг ўйиқларидан сурилиб чиқади ва корпус деворларига куч билан зичланади. Бу пайтда газ икки пластина орасидаги бўшлиққа киради. Ротор маълум бир бурчаккача бурилганда пластиналар энг юқори нуқтага интилади. Бу пайтда бўшлиқнинг ишчи ҳажми аста-секин ортиб боради. Роторнинг келгуси бурчакларга бурилиши пазлардан тўла чиқсан пластиналарни ўйиқларга қайта киришига сабаб бўлади. Натижада, пластиналар орасидаги ишчи ҳажм аста-секин кичрайиб боради. Бу ҳажмни тўлдирган газнинг босими ортиб, ҳарорати кўтарилади.

Роторнинг кейинги бурилишлари давомида ишчи ҳажм ҳайдаш патрубкаси бўшлиғи билан туташади ва бу ердан сиқилган газ ресиверга, ундан эса ҳайдаш тармоғига ўтади. Шундан сўнг, иш цикли қайтарилади.

Роторли компрессорлар ихчам, енгил, айланишлар частотаси катта, тузилиши оддий, кривошип-шатунли механизми бўлмаганлиги сабабли тиник ва равон ишлайди. Ротор валини электродвигатель валига бевосита улаш мумкин. Шу билан биргаликда, бу турдаги компрессорларнинг ф.и.к. кичик, сиқилган газ босими юқори эмас, тайёрлаш технологияси мураккаб ва уларни тез-тез созлаб турилади.

Пластинали компрессорларнинг иш унумдорлиги ($\text{m}^3/\text{сек}$) қуйидаги tenglama ёрдамида ҳисобланиши мумкин

$$Q = 2Le\lambda_v (\pi D - \delta z) \quad (15-16)$$

бу ерда L - пластиналар узунлиги, м; e - роторнинг эксцентриситети, м; n - роторни айланишлар частотаси, с^{-1} ; D - насос корпусининг ички диаметри, м; δ - пластина қалинлиги, м; $z=30\div40$ - пластиналар сони; λ - узатиш коэффициенти. Одатда $e/D = 0,06\div0,07$.

Компрессорнинг узатиш коэффициенти қуйидаги ҳисобланади:

$$\lambda_v = 1 - K(P_2/P_1), \quad (15-17)$$

бу ерда K - коэффициент, кичик иш унумдорлигига ($Q < 0.5 \text{ m}^3/\text{сек}$) эга бўлган компрессорлар учун $K=0.1$; иш унумдорлиги юқори бўлган ($Q > 0.5 \text{ m}^3/\text{сек}$) компрессорлар учун эса $K = 0.05$.

Компрессор валидаги қувват қиймати қуйидаги tenglama бўйича аниқланади

$$N = QP_1Ln(P_2/P_1)/\eta . \quad (15-18)$$

Роторли компрессорлар бир босқичли ($P_2 \leq 2.5\div5$ атм) ёки икки босқичли ($P_2 = 8\div15$ атм) бўлади.

IV. “Катта босим ва вакуум хосил қиласынан жиһозлар” мавзусини ўқитишида мұхитни меңнат мұхофазаси масалалари

4.1. Меңнат хавфсизлигининг таъминлаш бўйича кўрсатмалардаги умумий талаблар

Двигатель ишлаб турганда трактор ёки комбайн остида бўлиш тақиқланади. Технологик жараённинг бажарилиши билан боғлиқ бўлмаган шахсларга трактор кабинасида, шунингдек иш бажариладиган участкада бўлишга рухсат этилмайди.

Бузукликлар содир бўлганда машина-трактор агрегати, ўзиорар ёки стационар машина бузукликлар бартараф этилгунча дарҳол тўхтатилиши лозим.

Қувват олиш вали ва двигатели ишлаб тракторда машиналарни тозалаш, мойлаш, тузатиш ва ростлаш тақиқланади.

Машина ва механизмлар резина фартуклар тақиб, резина қўлқоп ва этик кийиб ҳамда ҳимоя кўзойнаги тақиб тозаланади ва ювилади. Хизматчи ходимлар машиналар иш органларини тозалаш учун михсус тозалагичлар билан таъминланиши лозим.

Куйишнинг олдини олиш учун сув радиаторининг пробкасини очиш ва совитиш системасидан иссиқ сувни ҳамда двигатель, узатмалар қутиси, кетинги кўприк картерларидан мой тўкишда эҳтиёт бўлиш керак

Машиналарга диагноз қўйиш, техник хизмат кўрсатиш ва уларни тузатиш билан банд бўлган барча ходимлар хавфсизлик техникаси, меңнат муофазаси қоидаларини яхши билишлари ҳамда уларни қатъий бажаришлари шарт. Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш, заҳарланиш, ўт чиқиши манбаи ҳосил бўлиши ҳолларининг олдини олиш учун стационар ва кўчма хизмат кўрсатиш воситаларининг тузилиши ҳамда уларни ишлатиш қоидалари, шунингдек хавфсизлик техникаси, ёнғинга қарши тадбирлар бўйича маҳсус тайёргарликдан ўтган ва тегишли гувоҳномаси бўлган шахсларга уларни ишлатишга рухсат этилади.

Кўчма техник хизмат кўрсатиш воситаларидан фойдаланиш ва тракторларга диагноз қўйишда тракторни тўхтаташ жойларида тормоз бермай қолдириш; домкратда турган тракторда бўлиш; двигатель ишлаб турганда трактор ичида ёки унинг ёнида бўлиш билан боғлиқ бўлган бирор ишни бажариш тақиқланади.

Сақлаш клапанлари ва ҳаво босими курилмалари бузук, шунингдек трубопроводлар идишлари ҳамда бирикмалари, тарқатиш арматурасидан суюқлик сизиб чиқаётган тракторларга техник хизмат кўрсатиш агрегатларида ишлаш тақиқланади.

Диагноз қўйиш ва техник хизмат кўрсатишга факат коржома кийиб олгандағина рухсат этилади. Механизми ишләётганда бажарилиши мүмкун бўлган (эшитиб қўриш ва ҳоказо) дан бошқа барча ишлар двигателни ўчириб амалга оширилади. Двигатель ишлаб турганда ишлар узатмалар (қаторлар) қутиси нейтрал вазиятдалигида, кабинада бегона шахслар йўлигига ва аккумуляторлар батареяси электр занжиридан узуб қўйилганда бажарилади. Ўрнатма жиҳозлар ерга ёки маҳсус таглика тушириб қўйилиши зарур.

Двигатель ишлаб турганда трактор остига кириш тақиқланади. Двигателни ишга туширишдан олдин узатмалар (қаторлар) ни алмашлаб қўшиш ричаги ва гидросистема тақсимлагичининг дасталари. нейтрал вазиятдалигида ишонч ҳосил қилиш лозим. диагностика ва ростлаш ишларини бажариш пайтида юргизиб юбориш двигателининг ишга тушишини олдини олиш учун унинг тирсакли вали юқори кучланиш симини свеча электродидан узуб қўйиб айлантирилади. Юргизиб юбориш двигателини ишга туширишда ишга тушириш чилвирини қўлга ўраш тақиқланади Чилвир учиди ёғоч дастак бўлиши керак, уни ушлагандан чилвир бармоқлар орасидан ўтказилиши лозим.

Диагноз қўйишда, техник хизмат кўрсатишда ва тузаташда турли ишларни бажариш учун ишлатиладиган жиҳозлар, асбоблар, мосламалар ва назорат асбоблари соз бўлиши ҳамда ўз вазифасига мос келиши ва ишларнинг хавфсиз бажарилishi таъминлаши лозим.

Асбобда дарзлар қатламланишлар, питр ва чақалар бўлмаслиги керак. Ишлатиладиган калитлар белгиланган ўлчамли жағга эга, чақасиз ва очик бўлиши даркор. Калит жағи билан гайка қирраси орасига қистирма қўйиш, бир калитни иккинчиси билан узайтириш, гайкаларни

бурашда зубило ва болғадан фойдаланиш мумкин эмас. Маҳкамланиш жойлари бураб маҳкамланаётганда ёндаги ўткир киррали деталлардан эҳтиёт бўлиш керак.

Калитни ушлаган кўл ўзингиздан нарига эмас, балки ўзингиз томон йўналишда харакатланиши керак. Сурилма калит билан ишлаганда калит лабларини гайка ёнларига зич сиқиб, уни калитнинг ўзгарувчан томонига бураш лозим.

Таркибий қисмларни қисмларга ажратишда, йиғиша ва ростлашда қисмларга ажратиш-йигиши ҳамда ростлаш ишларида тавсия этиладиган қуидагв хавфсизлик тадбирларига риоя қилиш керак: соз жиҳоз ва асбоблар, деталларни пресслаб чиқариш ҳамда олишда ажраткич ва маҳсус мосламалардан; оғир таркибий қисмларни кўтаришда маҳсус механизмлардан фойдаланиш, трактор ва унинг айрим таркибий қисмларининг ўз-ўзидан кўзғалишининг олдини олиш лозим.

Хизмат кўрсатилаётган машиналарнинг айрим қисмларини кўтариш учун гараж ёки йўл домкратлари ишлатилади. Машина остига домкратдан ташқари ишончли таянч қўйилгандан кейин кўтарилилган машина остида ишлаш мумкин. Машинанинг факат маҳсус белгилар билан белгиланган жойларга, агар улар бўлмаса унда машинанинг ағдарилишига йўл қўйилмайдиган жойларига домкрат кўйишга рухсат этилади. +ўл домкратлари мўрт бўлмаган горизонтал таянчларга жойлаштирилиши лозим. /ишт ва тасодифий қистирмалардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

Маҳсус ажраткич ҳамда мосламалардан фойдаланишда илмокли панжалар ва чақрагичлар деталларга яхшилаб маҳкамланиши ҳамда ишлаётганда чиқиб кетмайдиган бўлишини кузатиш лозим. Олинган йиғиш бирликлари, деталлар, асбоблар қисмларга ажратилаётган машинага эмас, балки олдиндан тайёрланган жойга қўйилиши керак.

+исмларга ажратиш-йиғиш операцияларини бажаришда ишлатиладиган ажраткич ёки пресслар бўлмагандан мис учликли уриб чиқаргич ва мис муҳрали болғалардан фойдаланилади. Бу ишларни оддий болға ва кувалда ёрдамида бажариш такикланади.

Катта ва мўрт металларни зубило ёки крейцмейсель ёрдамида чиқаришда ҳимоя қўзойнаги тақиши керак.

4.2. Ўқув устахоналаридағи меҳнат муҳофазаси

Ўкувчиликнинг иш ўринларини ташкил этишнинг мухим вазифаси уларнинг меҳнатини енгиллаштирувчи, меҳнат физиологияси, гигиена ва психология талабларининг бажарилишини таъминловчи воситалар билан жихозлашдир. Бу вазифа ўқув устахоналари ёки айрим ўқув-ишлаб чиқариш участакалари жойлашган бутун ўқув ишлаб чиқариш биноси миқёсида тадбирлар ўтказиши орқали хал қилинади. Бинонинг умумий ёритилишини, товуш изоляциясини, хавосининг тозалигини, талаб қилинадиган температурани сақлашни алоқида олинган иш ўрни доирасида таъминлаш мумкин эмас. Шу билан бирга хар бир иш ўрнидаги меҳнат шароитларини яхшилашга мўлжалланган воситалар (якка тартибда ҳимоя воситалари) мавжуддир.

Меҳнат хавфсизлигини психофизиологик меъёр ва талаблар физиология-гигиена ва меҳнат хавфсизлик техникаси қўлланмаларида келтирилган. +уйида ўқувчиликнинг ўқув ўринлари ва устахоналарни жихозлашда қўлланадиган турли воситиларнинг бир нча намуналарини кўриб чиқамиз.

Иш жойида меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг асосий шартларидан бири иш ўрнининг рационал ёритилишидир.

Ёритиши ГОСТ (ГОСТ 3825-47) талабларига мувофиқ бўлиши, юзаларни етарли даражада ёритилишини таъминлаши, иш вақти давомида доимий бўлиши, ёруғлиги бўйича тенг тақсимланиши, кўз нурига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Ёритишининг нормал бўлиши энг аввало ёруғлик манбайнинг жойлашишига боғлиқдир. 31-расмда ёруғлик манбайнинг тўғри (а) ва нотўғри (б, в, г) жойлаштирилиши кўрсатилган. Биринчи холат энг тўғрисидир, чунки ёруғлик манбаи ишловчининг боши тепасига, чап томонга жойлаштирилганлиги туфайли укўз нурини олмайди ва иш зонасига соя тушурмай

түғрида-түғри иш столини ёритади. +олган учала холатда ёруғлик манбай нотүғри жойлаштирилган.

Иш ўрнинг етарли ёритилмаганлигининг сабаби ёруғлик манбаига масъулиятсиз қараш, лампанинг ифлос бўлиши, абажур ёки рефлекторнинг йўқлиги ёруғликни 30% ёки ундан кўпроқ камайтириш лозим.

Баъзи билим юртларида ўтказилган илмий тадқиқотлар, иш ўрнинг түғри ёритилиши ўқувчиларнинг иш унумдорлигини 10-30% ёруғлик манбааларининг тоза сақланиши 5-15%га ошириш мумкинлигидан далолат беради. Тадқиқотлар натижасида 30 лк ёритганлик кўпроқ чарчашга, 800-1000 лк ёритганлик камроқ чарчашга сабаб бўлиши аниқланган. Ёритганлик 1000 лк бўлганда хатоларга кам миқдорда йўл қўйилади.

Ёритилишни яхшилаш ва электр энергиясини тажамкорлик билан сарфлаш мақсадида қизувчи лампаларга нисбатан бир қанча авзаликларига эга бўлган люминесцент ётиритгичларни қўллаш кенг тадбиқ қилинмоқда. Бундай холларда ёриқуғлик 3-4 марта ортади, электр энергия бир неча марта кам сарфланади. Люминесцент лампаларининг камчилиги айrim лампаларнинг минлтиллаши туфайли содир бўлувчи стробоскопик таъсиридан иборатdir. Бу камчиликни йўқотиш учун лампалар уч фазали занжирнинг турли симларига уланади.

Иш ўринларининг ёритилиши масаласини хал қилишда табиий ёруқликдан фойдаланишининг таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ёруқликнинг майда звеноли панжаралари йириклири билан алмаштирилади, дераза ойналари ёруғлик нурини 30% гача тўсиб қолувчи ва иш ўринларини ёритилишини кескин ёмонлаштирувчи чанглардан доимо тозалаб турилади.

Ўқув устахоларининг қандай рангда бўлиши (бўялиши) эстетик интеръерни яратишида мухим элемент хисобланади. Бироқ бўяш вақтида бўёқнинг рангига бино ва жихозларни безаш нуқтаи назардан қараб бўлмайди, чунки ранг одамга ва умуман бутун меҳнат жараёнига турлича таъсири қиласди. Масалан, оқ ранг 75%, оч кулранг 55%, сарғиш ранг 70%, оч сарикранг 45%, кулранг 35%, тўқ жигарранг эса факатгина 15% нурни қайтаради. Ўқув устахоналарни бўяшда ана шуларни хисобга олиш керак.

Одамни кўриш органлари ва асаб системасига қизил, тўқ сариқ, бинафша, тўқизил ранг салбий таъсири этиши тадқиқотлар натижасида аниқланган. Ана шундай рангларга бўялган биноларда ишловчиларнинг кўриш органлари тез чарчайди, меҳнат унумдорлиги пасаяди, зийраклик ва иш сифати ёмонлашади. Яшил, кўкимтири, яшилва сариқ ранглар одамнинг кўриш органи ва психофизиологик функцияларига яхши таъсири этади, меҳнат унумдорлини оширади, чарчаши камайтиради. Турли рангларни инсон кайфиятига қўйидагича таъсири этиши аниқланган: қизил ранг асаб системасини кўзғатади; яшил ранг тинчлантиради; бинафша ранг киши руҳини тушурса; сариқ ранг руҳни тетиклаштиради.

Устахоналарда хавонинг холати, яъни хавонинг тозалиги, температураси ва намлиги меҳнатнинг соғлом шароитларини яратишдаждуда мухим ахамиятга эгадир. Хавонинг чанглиги, газлашганлиги, ортиқча намлик ёки қуруқ температуранинг баланд ёки паст бўлиши ўқувчилар организмига салбий таъсири этади. Кузатишлар гигиеник талабларга жавоб берувчи хавода ишлаш меҳнат унумдорлигини 10% гача оширишини кўрсатди. Бунга яхши ишлайдиган оқувчи-сўрувчи вентиляцияни ўрнати орқали эришилади. Кейинги вақтларда хавони кондиционирлаш қўлланилмоқда (хавога ишлов бериб, доимий метеорологик шароитни-температуруни, тозалик ва намоикни саклаш). Билим юртларининг ўқув устахоналарида ишлаб чиқариш таълими гигиеник талабларга жавоб берувчи «сунъий, иқлим» ни ўрнатиш мумкин. Бу ўқув устахоналарида нормал хавони вужудга келтиришнинг энг прогрессив усулидир.

Иш ўрнидаги меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ўқув устахоналаридаги шовқин ва тебранишни камайтириш, ишлаш учун осойишта шароит яратиш масаласини ўз ичига олади. Меҳнат гигиенаси ва касб касалликлари институтининг ўтказган тадқиқотлари ишлаб чиқаришдаги шовқин одамнинг эшитиш органларига таъсири этишини, гарантгликка олиб келишини шунингдек асаб системасига салбий таъсири этиб, бошқа органларнинг нормал ишлашининг бузилишига сабаб бўлишини қўсатади. Шовқин ва тебраниш гипертания, яра-чақа, ошқозон секция бензиннинг бузилиши ва бошқа касаликларга олиб келиши мумкин.

Шовқинга қарши курашдаги асосий йўналишлар-товориши изоляцияси, товишни ютиш ва тебранишни изоляция қилишдир. Шовқинни йўқотишнинг иложи бўлмайди бўлган баъзи машиналарни, шовқин ютувчи тўсиқлар билан ажратиб қўйилади. Радиоэшиттришларини

маълум белгиланади вақтда, яхшиси тушлик ёки машғулотни бошлашдан олдин, кайфиятни яхшилашга сабаб бўлганда тинглаш лозим. Машғулотлар ва устахоналарда иш бошланиши билан радиоэшиттиришлар тўхтатилиди. Иш кунининг охирида радиоэшиттиришлар кайфиятни кўтариш, чарchoқни олиш учун керак бўлади, улар ишда оптимал шароитларни яратишга ёрдам беришлари керак.

Билим юртларидаги иш кийими гардеробхона биноси гигиеник норма хамда хозирги замон талабларига жавоб бериши керак. Ўқувчилар иш бошлашдан олдин илгич ва индивидуал ажратилган шкафли маҳсус жихозланган гардерхона биносида маҳсус иш кийимини киядилар. Ўқувчилар учун энг қулай кийим бинезон ёки ярим конбинезонлардир.

Душхона ва умивальниклар хам гигиенанинг хозирги замон талабларига жавоб бериш керак. Иложи борича уларни гардеробхона биноси ёнига жойлаштириш керак.

Душхона ва умивальниклар оқ керамика плиткалари билан қопланган маъкул. Деворлар камида хафтасига бир марта, поллар эса хар куни ювилади. Баъзи билим юртларида умивальниклар гардероб шкафларнинг қаторлари ўртасига ўрнатилган, умивальник ва душхоналар эса групавий аралаштиргичлар билан жихозланган бўлиши лозим.

V. “Катта босим ва вакуум хосил қиладиган жиҳозлар” мавзусини ўқитшида атроф-муҳитни муҳофаза қилиши масалалари

5.1. Умумий масалалар

Ҳозирги кунда мамлакатимизда инсон фаолиятининг хавфсизлиги долзарб масалалардан бирига айланган, бунга иш ва турмушда меҳнат муҳофазаси ва атроф муҳит муҳофазаси киради.

Конституциядаги асосларга кўра хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини яратиш, меҳнатнинг санитария гигиена шароитини яхшилаш, технологик жараёнларни автоматлаштириш, такомиллашган хавфсизлик техникасини жорий қилиш, ишнинг меҳнат ҳажмини камайтириш каби вазифалар кўйилган.

Ҳозирги вақтда автомобиль парки сонининг ўсиши билан унинг атроф муҳитга таъсири ортмоқда.

Атроф муҳитга ҳайвонот ва наботот дунёсиги, шу жумладан инсонга ҳам автомобиллардан таркибида ис гази ва кўргошин бўлган ишлаб чиқсан газлар таъсир қиласди.

Ишлаб чиқсан газлар билан бир қаторда атроф муҳитга автомобиллар ҳаракатидан юзага келадиган шовқин ва титрашлар заарли таъсир кўрсатади.

Тарнспорт воситасининг техник ҳолати заарли чиқиндиларнинг чиқишига сезиларли таъсир кўрсатади. Асосий агрегатларнинг бузилишида заарли чиқиндиларнинг тақсимоти куйидагича: таъминлаш тизими – 38%, двигател – 26%, ёндириш тизими – 21%, ва трансмиссия – 15%.

Илмий-техника тарққиёти инсоннинятни табиий ресурслардан интенсив фойдаланиши ва атроф-муҳитга бўрон каби бостириб кириши билан боғлиқ.

Халқ хўжалигини интенсификациялаш шароитида табиий ресурслардан самарали фойдаланишда, илмий-техника ютуқларини тезда ишлаб чиқаришга татбиқ этишда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича ташкилий-техниковий тадбирлар алоҳида аҳамият касб этади. Бу тадбирлар сирасига атмосфера сифатининг ҳолатини кузатиш, заҳарли моддаларни чиқишини камайтириш ва нейтраллашнинг замонавий методларини қўллаш, шовқиндан ҳимоя қилиш киради.

Атроф-муҳит учун айниқса шаҳар учун негатив оқибатлар автотранспорт тизимининг ривожланиши билан боғлиқ, хусусан, кенг маънодаги автомобиллаштиришнинг ривожланиши билан.

Экологик ва социологик муҳитга транспорт воситаларининг шовқини, заҳарли чиқинди газлари, йўл транспорт ҳодисалари ва электромагнит нурланиш билан тўғридан-тўғри таъсир қиласди.

Транспорт тизимининг қисман негатив таъсири автотранспорт жараёнларини амалга ошириш ва транспорт коммуникацияларини жойлаштириш учун автомобиль ҳар йили инсон учун зарур бўлган ҳудудларни ошиб бораётган микёсда эгаллаб боришида кўринади. Ҳисобларнинг кўрсатишича шахсий автомобиль паркининг ҳозирги кўпайиш жадаллигига ва транспорт коммуникацияларининг анъанавий тамойилларида аҳолиси 1,0 миллиондан ошик катта шаҳарларда шу кунларда яшаш учун ажратилган жойларнинг 25% и транспорт восталари учун керак бўлади.

Автотранспортнинг заарли таъсиридан атроф-муҳитни ҳимоя қилиш муаммоси йил сайин катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шу сабабли унинг ечими комплекс бўлиши ва ғеч қайси негатив ҳодиса эътибодан четда қолмаслиги керак.

Тилга олинган мезонлар ҳаракат хавфсизлигини, қулайликни, тарнспорт хизматининг сифатини ва самардорлик бўйича мезонларни (ёқилғи сарфи, ис гази миқдори ва бошқалар) таъминлайдиган мақбул автотранспорт тизимини яратишга сезиларли чегарадир.

Шаҳар ҳавоси боссейнининг автомобильлар томонидан ифлосланиши (уларнинг солиширма оғирлигига қарамасдан) ҳаракат бўлаётган ва яқин жойлашган, одамлар учун иш жойи бўлган ҳудудларда бевосита таъсир қиласди.

Катта шаҳарларнинг марказий кўчаларида ва магистраллар кесишган жойларда ис газининг миқдори рухсат этилган таркибдан 5-10 марта ортиқлиги аниқланган. Шуни таъкидлаш керакки, шу кунгача автомобиллардан ишлаб чиқсан газлар таркибига ва сифатига ягона халқаро стандарт мавжуд эмас. Турли мамлакатларда қабул қилинган меъёрлар бир-биридан миллий, ҳудудий ва социал-иқтисодий шароитлар билан сезиларли фарқ қиласди.

Заарларни чиқишини камайтиришнинг йўлларидан бири анъанавий транспорт воситаларининг технологик параметрларини такомиллаштиришdir.

5.2. Автотранспорт технологияларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Экологик муаммоларни жамоа ва шахсий транспортнинг гармоник ривожланиши билан самарали ечиш мумкин. Умумий ҳолда автотранспорт тизимига қўйиладиган талаблар қуидагича ифодаланиши мумкин:

- транспорт тизими мавжуд ва келажакка мўлжалланган халқ хўжалиги ва жамият ривожининг социал-иқтисодий мезонларини қониқтириши лозим;
- транспорт воситалари илмий-техника ютуқларини акс эттирадиган ёқилғи сарфига эга бўлиши лозим;
- технологик жараёнлар атроф-мухитга имкон қадар негатив таъсири кўрсатиши лозим;
- транспортвоситалари юқори даражада маҳсуслашган, шу билан бирга автотранспорт жараёнларининг эгилувчан технологияси шароитларига максимал даражада мослашган бўлиши лозим.

Замонавий жамият ривожланиши талабларига тўла жавоб берадиган тармоқнинг жадал ривожланиш методлари транспорт тизимининг социал ва экологик муҳитга кутилмаган турли таъсиirlарини ҳисобга олиш билан боғлиқ. Бу айниқса, автотранспорт тизимининг экологик параметрларини бошқариш тизими ва тармоқни мақбул энергетик таъминоти масалалрига тааллукли. Бунинг учун халқ хўжалиги юкларини ва йўловчиларни ташиш жамият тараққиётининг энергетик, социал-иқтисодий ва экологик талаблари аниқ ҳисоб-китоб қилинган бўлиши лозим. Масаланинг бундай қўйилишига сабаб юқ ташиш тизимида автомобил двигателларининг ф.и.к. потенциал энергетик кўрсаткичлардан паст ва 15-18% ни ташкил қиласи. Шу сабабли транспорт ишининг бирлигига ёки битта йўловчи ташиш учун сарф бўладиган ёқилғи миқдори сезиларли даражада кўп ва заарларни моддалар ҳам чиқади.

Катта шаҳарларда атроф-мухит сифатини бошқариш ташиш жараёнининг технологиясида ва ёқилғининг яширин кимёвий энергиясини механик энергияга айлантириш кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияни ташкил қилиш йўли билан амалга оширилади.

Янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш яқин келажакда техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирнинг оғир ва мураккаб ишларида замонавий робототехникани кенг қўллашни кўзда тутади.

Замонавий жамиятнинг талабларига тўла жавоб берадиган тармоқ ривожининг жадал методлари социал ва экологик муҳитга негатив таъсири кўрсатадиган турли омиллар ва кутилмаган самаралрни ҳисобга олиш билан боғлиқ. Бу, айниқса автотранспорт тизимининг экологик параметрларини, тармоқни мақбул энергия таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалрига тегишли. Бунинг учун халқ хўжалиги юклари ва йўловчилар жамиятнинг энергетик, социал-иқтисодий ва экологик талаблари асосида режаланиши лозим. Тармоқнинг вазифасини бундай қўйиш ва ечиш автомобил двигателларининг фойдали иш коэффициентини потенциал энергетик кўрсаткичларидан паст эканлиги ва 15-18 % ни ташкил қилишидир. Шу сабабли, транспортишининг бирлигига ёки битта йўловчини ташишга ёқилғи сарфи кўп ва кўп миқдорда заарларни чиқиндилар атмосфера ҳавосини ифлослантирунганда.

Катта шаҳарларда атроф-мухит сифатини бошқариш ташиш жараёнинида кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологиялар ташкил қилиш, ёқилғининг кимёвий энергиясини механик энергияга айлатириш технологиясини такомиллаштириш йўли билан амалга оширилмоқда.

Атроф-мухитнинг ифлосланиш жараёнини очиқ-ойдин кўрсатиш ҳозирги кунда ҳам маълум қийинчиликлар туғдиради, бунга сабаб шу ҳақда маълумотларнинг етарли эмаслигидир. Мураккаб экологик вазифани юқ ташишнинг марказдан бошқариладиган эгилувчан тизимини яратишидир. Автотранспорт тизимининг самарали ривожи тармоқда машина тизимишин шаклланиши ва ишлаши билан боғлиқ. У иккита бир-бири билан боғланган қисмлардан иборат – технологик ва техник қисмлар. Технологик қисм типавий технологик жараёнлар ва технологик комплекслар, техник қисм эса – ташишни таъминлаш воситалари (ҳаракатдаги таркиб, юклаш-тушириш машиналари ва бошқа таъминловчи механизмлар) бирлигидан иборат.

Машиналар тизимининг етакловчи элементи ҳаракатдаги таркибидир ва унга асосан анъанавий технологик жараёнлар ишлаб чиқилади. Ташишнинг ривожланган индустрисал

тизими шароитида типавий технологик жараёнларни яратиш ва уларни амалга оширишнинг техника воситалари комплексини шакллантириш учун объектив имконият етарли.

Янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиши ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш яқин келажакда техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирнинг сермеҳнат операцияларида замонавий робототехникадан фойдаланишни кўзда тутади. Мисол сифатида автоматлаштирилган диагностик комплексларни яратиш ва ишлатишни кўрсатиш мумкин. технологик жараёнлар бикр ёки эгилувчан алгоритмлар билан амалга оширилади.

Ишлаб чиқарилаётган ҳаракатдаги таркиб автомобил транспортининг мавжуд ва истиқболли техникавий-эксплуатацион талабларига жаво бериши керак. Бунда автотранспорт жараёнини ва ҳаракатдаги таркибни ишлатиш сифатларини бирлигини амалга ошира олишга имкон берадиган ҳаракатдаги таркибининг транспорт технологиясини ҳисобга олади.

Автотранспорт жараёнини такомиллаштириш ягона “прогноз – тавсия – стандарт” тизимини яратишидир. Машиналар тизимига истиқболли транспорт-эксплуатацион талабларни ишлаб чиқиша хизмат кўрсатиладиган ишлаб чиқариш технологияси, структураси ва ҳажми ҳамда прогрессив автотранспорт технологияларини қўллаш имкониятинидан келиб чиқилади.

Яқин келажакда автомобил транспортида автотранспорт воситаларининг ўлчам ва маҳсус кузов бўйича ташиш жараёнининг сифатини ва ишончлигини, хавфсизлигини ва тежамкорлигини, ҳаракатдаги таркибни ишлатишда меҳнат ва материал ҳаражатларини камайишини таъминлайдиган автотранспорт воситалари ишлаб чиқилади.

Хўжаликнинг автомобил паркини ташиш шароити ва характеристи бўйича мақбул транспорт жараёнининг талабларига жаво бермаслиги ҳаражатларнинг ортишига ва ёқилғининг ортиқча сарф бўлишига олиб келади. Охиргиси экологик муҳит учун қўшимча оғирлик келтириши билан кузатилади.

Қўйилган вазифани ҳал қилиш учун анъанавий техник-эксплуатацион талаблардан транспорт-эксплуатацион талабларга ўтиш даркор, бу ҳолда тадқиқот обьекти сифатида автотранспорт воситаси эмас, балки ҳалқ хўжалиги ва аҳоли талабларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажарадиган машина тизими кўзда тутилади.

Мақбул транспорт тизимини яратиш материалларни, одамларни ва ахборотларни жилдиришда умумий обьектив қонуниятларнинг мавжудлигига асосланилади. Мақбул транспорт тизимини яратишининг методик асоси технологик транспорт цикли (ТТЦ) автотранспорт ишлаб чиқаришининг жараён ва элементлари бирлигидир. ТТЦ автотранспорт жараёнини унинг турли омиллари (ёқилғи сарфи, заарли чиқиндилар чиқиши, иш унумдорлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва қулайлиги) бўйича маълум тизим ҳосил қилиб ҳаракатдаги таркибни жамият ва ҳалқ хўжалиги ривожига мослайди.

Ишлаб чиқсан газларнинг заҳарлилиги ва ёқилғи сарфини камайтиришнинг асосий ўйналишлари қўйидагилар: автомобил транспортда ва автотранспорт жараённада индустрисиал метод ва прогрессив технологик жараёнлар ишлаб чиқиш; ҳаракатдаги таркибинингтехник-эксплуатацион хоссаларини такомиллаштириш; автомобил транспортида кам заҳарли ва заҳарсиз энергия манбаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш; транспорт жараёнини ва автомобил парки структурасини мақбуллаш.

Аммо санаб ўтилган тадбирлар ёқилғи сарфини, заарли моддалар чиқиши ва уларни амалга оширишдаги ҳаражатларни камайтириш самарадорлиги бўйича тенг кучли эмас. Ишлаб чиқсан газларнинг таркибига таъсир ўтказиш методи жараённи ўтиш сифатини яхшилаш ва ёқилғини цилиндрда тўла ёнишини таъминлаш ўйналишларида амалга оширилади.

Ишлаб чиқсан газлар таркибидаги заарли моддаларни камайтиришда ёниш жараёнини мақбуллаш истиқболли ўйналиш ҳисобланади, сабаби заарли моддалар билан двигателнинг чиқариш тизимида ҳозирча ишончсиз бўлган қимматбаҳо нейтрализаторларни қўллашдан кўра уларни ҳосил бўлиш вақтида курашиб осонроқ.

Автомобил транспортида индустрисиал метод ва прогрессив технологияларни ишлаб чиқиш муаммоси илмий-техник ва ташкилий масалаларни ўз ичига олади:

- техник ходимларнинг, ҳайдовчиларнинг ва инженер техник ходимларнинг касб маҳоратини ошириш;
- транспорт воситасининг параметрларини созлаш ва назорат қилишнинг прогрессив технологияларини ишлаб чиқиш;

- шу мақсадда зарур бўлган назорат-ўлчаш аппаратуралари ва жиҳозларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқсан газларнинг заҳарлилигини оператив ўлчаш постларини ташкил қилиш;
- зарарли моддалар чиқишини чегаралаш ва ёқилғи сарфини меъёrlаш.

VI. Таълим иқтисоди масалалари

6.1. Таълимда бошқарувнинг мазмуни ва аҳамияти.

Билим юртига қўйиладиган талаблар кучайиб бораётган шароитда ишни ташкил этиш анча мураккаблашди ва профессионал бошқарувни талаб этади.



Ҳозирги вактда менежмент жамият ҳаётининг деярли барча томонларида акс этувчи мураккаб ижтимоий-иктисодий ҳодиса ҳисобланади.

Менежментнинг маълум турлари (маъмурий, банк, стратегик, инновацион ва б.) орасида ишлаб чиқариш менежменти алоҳида ўрин эгаллайди. У ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида интеллектуал, молиявий, хом ашё, моддий ресурсларни бошқаришни ўз ичига олади.

Билимлар ва интеллектуал капитални улардан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадида бошқариш муаммолари сўнгти йилларда биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Билимлар бошқарув обьекти сифатида қаралиши лозимлиги кенг миқёсда эътироф этилмоқда. Корхоналарнинг рақобатбардошлиқ даражасига уларнинг билимларни жамлаш, таҳлил қилиш ва ривожлантириш қобилияти ва охир-оқибатда рақобат соҳасидаги барқарор устунликлар тобора кучлироқ таъсир кўрсатмоқда.

Маълумот (ихтисослик, малака) олиш турли ўқув фанларидан муайян мазмундаги билимларни ўзлаштириш билан боғлиқ. Таълимнинг мазмуни таълим мақсадларига таянади ва Давлат таълим стандартлари билан белгиланади.

Республикамизда юз берган иқтисодий ўзгаришлар миллий иқтисодий амалиётимиз учун янги бўлган бир қанча касбларга бўлган талабни белгилади. Уларнинг орасида менежер касби ҳам бор. Олий ўқув юртини бошқариш амалиётига ҳозирги замон менежменти киритилиши муносабати билан ўқув юртларида менежерларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилади.




Унинг професионализми бозорни, унинг қонунларини билишда, ташкилотнинг ривожланишини прогноз қила олишда ва ташкилот мақсадларига эришиш учун зарур

5. Таълим иқтисоди масалалари

5.1. Таълимда бошқарувнинг мазмуни ва аҳамияти.

Билим юртига қўйиладиган талаблар кучайиб бораётган шароитда ишни ташкил этиш анча мураккаблашди ва профессионал бошқарувни талаб этади.



Инглизча “*management*” – “бошқарув сўзи лотинча “*manus*” – “қўл” сўзидан ташкил этган

Хозирги вақтда менежмент жамият ҳаётининг деярли барча томонларида акс этувчи мураккаб ижтимоий-иктисодий ҳодиса ҳисобланади.

Менежментнинг маълум турлари (маъмурий, банк, стратегик, инновацион ва б.) орасида ишлаб чиқариш менежменти алоҳида ўрин эгаллайди. У ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида интеллектуал, молиявий, хом ашё, моддий ресурсларни бошқаришни ўз ичига олади.

Билимлар ва интеллектуал капитални улардан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадида бошқариш муаммолари сўнгги йилларда биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Билимлар бошқарув обьекти сифатида қаралиши лозимлиги кенг миқёсда эътироф этилмоқда. Корхоналарнинг рақобатбардошлиқ даражасига уларнинг билимларни жамлаш, таҳлил қилиш ва ривожлантириш қобилияти ва охир-оқибатда ракобат соҳасидаги барқарор устунликлар тобора кучлироқ таъсир кўрсатмоқда.

Маълумот (ихтисослик, малака) олиш турли ўқув фанларидан муайян мазмундаги билимларни ўзлаштириш билан боғлиқ. Таълимнинг мазмуни таълим мақсадларига таянади ва Давлат таълим стандартлари билан белгиланади.

Республикамизда юз берган иктисодий ўзгаришлар миллий иктисодий амалиётимиз учун янги бўлган бир қанча касбларга бўлган талабни белгилади. Уларнинг орасида менежер касби ҳам бор. Олий ўқув юртини бошқариш амалиётига ҳозирги замон менежменти киритилиши муносабати билан ўқув юртларида менежерларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилади.



Менежер – бошқарув функцияларини раҳбарликнинг замонавий илмий методлари ёрдамида профессионал тарзда амалга оширувчи одам. У профессионал раҳбар.

Унинг профессионализми бозорни, унинг қонунларини билишда, ташкилотнинг ривожланишини прогноз қила олишда ва ташкилот мақсадларига эришиш учун зарур шароитлар яратиш қўнимасида, ресурсларни бошқариш ва вақти-вақти бошқарув технологияларини янгилаш қобилиятида намоён бўлади.


Шундай қилиб, таълим илмий-техникавий ва иктисодий ривожланишнинг муҳим элементигагина эмас, балки шахс ва жамият ижтимоий ва маънавий ривожланишининг бевосита қисмига ҳам айланди. Шу туфайли ҳам таълим жараёнини бошқариш натижаси муҳим ижтимоий-иктисодий омил ҳисобланади.

5.2. Давлат иктисодиётининг ривожланишида таълимнинг ўрни ва аҳамияти.

Жаҳонда таълим тизимида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Таълим соҳасидан давлат монополиясидан воз кечиш, тижорат таълимини яратиш, жамият ҳаёти тузилишининг ўзгариши таълим хизматлари бозорига пайдо бўлиши олиб келди. Мазкур бозор ахборот бозори ва меҳнат бозори билан бир қаторда таълим соҳасига фаол таъсир кўрсатмоқда.

Иктисодиёт ва жамиятнинг ахборотлаштирилиши, давлат ва хусусий корхоналар ва ташкилотлар фаолият қўрсатиш шароитларининг ўзгариши таълим хизматларига талаб кучайишига сабаб бўлди.

Таълимга эҳтиёж муайян касбни ўзлаштириш, маълум лавозимни эгаллаш, маълум даражада маълумот олиш, қўшимча малакани ўзлаштириш, жамиятда муайян ўринни эгаллаш, мансаб пиллапояларидан кўтарилиш истаги билан белгиланади.



Маълумот ҳозирги дунёда нуфузни белгиловчи омил сифатидагина эмас, балки ҳозирги ҳаёт яшаб қолиши воситаси сифатида ҳам қаралади. Таълим инсон капиталини такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёни сифатида қаралиши мумкин.

Мамлакатда таълим даражаси унинг меҳнат ресурси, иқтисодий салоҳияти, хавфсизлиги, ривожланиш имкониятларини белгилайди. Бу ерда гап аҳоли маълумот даражасининг ўсишидан бутун жамият кўрадиган самара ҳақида боради. Шундай қилиб, инсон ўз маълумот даражасини оширап экан, бундан нафақат ўзи наф кўради, балки жамиятга ҳам катта фойда келтиради. Бу таълим тизимига давлат томонидан дотацион мадад кўрсатилиши заруриятини белгилайди.

Таълим, айниқса олий таълим маданият билан узвийдир. Таълим хизматларига талаб маданият даражаси билан бевосита боғлик. Бунда маданият даражаси қанча юқори бўлса, янги билимлар ва қўшимча маълумотга эҳтиёж шунча кучли бўлади. Маданий даражанинг ўсишига мос равишда истеъмолчи ўзининг таълим соҳасидаги эҳтиёжларини қондиришга онгли равишда йўналтирувчи бюджетдаги харажатлар улуши ҳам кўпаяди.

Шундай қилиб, таълимнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий мазмунни мавжудлиги тўғрисида сўз юритиш мумкин. Бунда таълимнинг иқтисодий табиити инсонда унга келажакда ўз меҳнатини яхши пулга сотиш, жамиятга эса – одамларнинг янги билим ва қўнималаридан фойдаланиб меҳнат унумдорлигини ошириш ва янада сифатлироқ маҳсулот олиш имкониятини берадиган таълим капиталининг шаклланишида намоён бўлади. Таълим иқтисодий мазмунининг мазкур талқини унинг инвестицион товар сифатидаги талқинига зид келмайди, чунки у келажакда ўзини оқлайдиган инвестицияларни талаб этади.

Хуноса

Таълимни технологиялаштириш ҳар доим қўлланган, аммо унинг даражаси одатда методиканинг ривожланиш даражасига мутаносиб бўлган. Авваллари фойдаланилган тематик режалаштириш, мақсадни ва унга эршиш востасини кўрсатиб дарсни режалаштириш, ўқувчиларнинг текшириш ва назорат ишлари – буларнинг барчаси ўқув жараёнини технологиялаштиришнинг белгиларидир. Янги, методик фаннинг юқори даражадаги ривожи

мақсадга йўналтирилган технологияларни ишлаб чиқаришг турткি берди. Аммо, кўпчилик бунда йўналиш модасини ёки фалокатдан қутилиш воситасини кўришиди.

Таълим методикаси ва технологияси таълим жараёнининг турлича даражага таҳлилини акс эттиради. Технологиянинг мукаммалик даражаси методиканинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Таълим технологияси ўқув жараёнини бошқариш ва режаланган мақсадга мос натижаларни олишга имконини беради. Методик ва дидактик тадқиқотларнинг хулосаларини менсимаслик таълим технологиясини жиддий назарий асосдан маҳрум қиласди.

Шуни таъкидлаш лозим, барча педагогик назария ёки методика технологик даражага эриша олмайди, ёки бошқача айтганда йўриклир кўринишида, бажариладиган ишлар, ҳаракатлар, операциялар кетма-кетлиги бўлиб ихтиёрий ўқитувчи томонидан берилган шароитда ва воситалар билан амалга оширилиши мумкин. Шу сабабли, назарий асосни ишлаб чиқаришдан ташқари педагогик технологияни лойиҳалаш педагогик жараёни қатнашчиларининг фаолият босқичларини ажратишни кўзда тутади, уларнинг бажарилиш кетма-кетлиги амалий натижаларни таъминлайди.

Амалиётнинг кўрсатишича, инновацион технологияларни тадбиқ қилишда бир қатор тўсиқлар мавжуд:

- 1) педагог ходимларда оммавий мактаб шароитида илмий ютуқларни таъминловчи кор қиласиган ахборот хизмати етарли эмас;
- 2) тизим, дастур, технология ва бошқаларнинг муаллифлари асосий эътиборларини педагогик жараённинг мазмун жиҳатига эътибор қаратадилар ва назарий гояни технология даражасига кўтара олмайдилар;
- 3) оригинальнёе развиваюче системё и технологии начального образования не обеспечивают их стўковку с последуюҳими этапами обучения;
- 4) бутун педагогик тизимнинг ва таълим муассасалари бошлиқларининг эски ишларга ёпишиб олганлиги муҳокама қилинаётган масалани муваффақиятли ечилишига тўскинлик қиласди.

Психолого-педагогик тадқиқотларнинг натижалари, шу жумладан, инновацион педагогик технологиялар ўқув-тарбиявий жараённинг самарадорлигини оширишга ва таълим муассасарининг асосий вазифасини муваффақиятли ҳал қилинишига хизмат қилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ., “Ўзбекистон”, 2009 й.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, Ўзбекистон, 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги Қонуни. Тошкент, Ўзбекистон, 1997 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини ислоҳотлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар. 1-2 қисм. Т.: 1998 й.
5. Ахлидинов и др. “Управление образованием в Узбекистане: проблемы, поиск, решения”. Т. “Ес-ТАСИС”. 1999г.
6. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат -Т.: ТДПУ, Низомий, 2003.
7. Авлёқулов Н. Замонавий ўқитиш технологиялари.-Т., 2001.
8. Бершадский М.Е. В каких значениях используется понятие “технология” в педагогической литературе?//Школьнёе технологии.-2002.- №1.
9. Бесспалько В.П. Слагаемёе педагогической технологии. - М.: Педагогика, 1989.
10. Боголюбов В.И. Эволюция педагогических технологий //Школьнёе технологии - 2004. - № 4.
11. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах: Учебное пособие //Под обх. ред. акад. С.С. Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005.
12. Епишева О.Б. Основнёе параметрў технологии обучения//Школьнёе технологии -2004.- № 4.

13. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. Т.: Ўқитувчи, 2004.
14. Пидкастўй П.И., Хайдаров Ж.С. «Технологии игрў в обучении и развитии» М., 1996, 268 стр.
15. Суворова Н. «Интерактивное обучение: Новёе подходў» М., 2005.

Интернет сайтлари

[Марина Куновская, self-organizng.by](#)

